Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

31 май - 6 июнь 2000 йил

22 (175) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган



**Мақоладан кейинги гаплар:** 2-БЕТ

Гимназиядаги собиқ ва амалдаги раҳбарлар ўртасида келишмовчилик кўпдан буён давом этмоқдами?

**Давом этмоқда!**

Унга барҳам бериш зарурми?

**Зарур!**

Хўш, бу билан ким шуғулланмоғи керак?

Нью-йоркликлар бу каби жанжаллардан чарчашган! 3-БЕТ

**Хиллари Клинтон ва Рик Лазио: сайлов можаролари!**

Клинтонларнинг омади юришяпти

"Рик Лазио — 100 фоиз нью-йорклик"

**Тошболта ошиқнинг зардаси... Бироқ, Сойиб Хўжаев умрида зарда қилмаган экан...** 4-БЕТ


# Сессиянинг сессиядан фарқи

## "DAVR" ахборот дастурида мудраётган депутат ва уни уйғоқликка чақираётган Президент лавҳаси кўрсатилди

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси ҳам бўлиб ўтди. Одатда сессияни депутатлар ҳам, миллионлаб сайловчилар ҳам орзиқиб кутишади: депутатлар мамлакат ҳаётида чуқур из қолдирадиган қонунлар қабул қилиш ниятида Мажлисга келадилар, сайловчилар эса депутатларнинг сессиядаги фаолиятига умид боғлайдилар. Ҳар сафар сессиядан сўнг худди шу ҳолат юзасидан ҳар ким ўзини сўроққа тутади: депутатлик бурчимни адо этолдимми? Ўзимиз сайлаган депутат ишончимизни оқлашга ҳаракат қилдими?

Иккинчи сессиядан сўнг жавоблар қандай бўлди? Ҳамманинг номидан жавоб беришга шошилмаймиз албатта, аммо-лекин келгуси 2 йиллик иш режалари белгилаб олинганидан сўнг, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов таклиф-мулоҳазалар бор-йўқлигини сўрагани-да залдан садо чиқмади, Раис жаноблари режани овозга қўяй деганда Президент сўз сўради. Худди биринчи сессияда бўлганидек яна ва яна депутатларни фаолликка ундади, уларни фикр-мулоҳаза айтишга даъват этди. Хусусан, Парламентнинг 2 йиллик режаси тасдиқланаётган бир пайтда "сукут – аломати ризо" қабилида мум тишлаб ўтириш, энг муҳим қонунларни жадаллик билан кун тартибига қўйиш юзасидан таклифларни ўртага ташлаш, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида фикр-мулоҳаза бўлмаслигининг ўзи мумкин эмас-ку!

Мен барча депутатларни бирваракайига сусткашликда айблаш фикридан йироқман, эҳтимол, улар қонунлар қўмиталарда тайёрланаётган босқичда ўз фаолликларини кўрсатиб бўлишгандир, аммо-лекин шунга қарамай бевосита Олий Мажлис минбарида туриб айтиладиган гаплар тугаб қолганига ҳам ишонолмайди киши. Ухлаб ёки мудраб қолган депутатга келсак, назаримда, айтадиган гапи бор инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам бедор ўтиради, у минбарга интилади, кўнглидагини айтмагунича тинчимайди. Залга етиб келгунча "Ҳеч нарса демайман!" дея ўзича қасам ичиб улгурган мажлис қатнашчиси эса кўзи илиниб қолиши ва "Davr" тасвирчисининг нигоҳига илиниши турган гап.

Бироқ тасвирчининг нигоҳига тушган депутат бошқаларидан кўра сусткашроқ эдими? Мажлиснинг бошқа 230 га яқин иштирокчиси ундан кўра фаолроқ эдими? Улар фаоллик кўрсатдиларми?

Бирдек жавоб бериш қийин. Лекин бир нарса аниқки, бу сафар аввалги сессиядагидан кўра жонланиш сезилди. Айрим қонунларни қабул қилиш чоғида таҳririй тузатиш киритиш ҳақида жиддий таклифлар ўртага ташланди ва, муҳими, таклифларнинг аксарияти қабул қилинди ҳам.

Сессияда қатор қонунлар қабул қилинди, бу борада эҳтимол, сессиядан сессиянинг фарқи кўпда фарқланмаса фарқланмагандир, лекин депутатларнинг фаоллигида жонланиш сезилди. Ёш Парламент тажриба олаётгани, депутатлар сессия "майдони"да жавлон уриш ҳадисини йиғаётгани сайловчилар умидини оқлай бошлаганидан далолат берди.

Хайрли далолат давомли бўлсин.

**Абдураҳмон ТАШАНОВ**

**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар**

ХАБАР

## "УНИВЕРСИАДА–2000" ЯКУНЛАНДИ:

# ТАЛАБАЛАР "ТИКО" ОЛДИ

***22 – 29 май кунлари Республика Президенти ташаббуси билан Наманганда талабаларнинг "Универсиада-2000" спорт ўйинлари универсиадаси бўлиб ўтгани бағоят катта воқеага айланганлиги шубҳасиз. Душанба 29 май куни мусобақалар ниҳояланди ва ғолиблар аниқланди. "Навбаҳор" ўйингоҳида муваффақият қозонганларни мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.***

15 нафар иқтидорли спортчи талаба мамлакат Президенти томонидан таъсис этилган мукофотлар – "Тико" енгил автомашиналари билан тақдирландилар. Булар:

**Аюб КАМОЛОВ** – халқаро кураш бўйича универсиада чемпиони (НамДУ талабаси), **Шухрат БОЗОРОВ** – белбоғли кураш бўйича универсиада чемпиони (НамДУ талабаси), **Татьяна ВЕЛИЧКО** – волейбол бўйича универсиада чемпиони (ЎзДЖТСИ талабаси), **Ўткир УМРЗОҚОВ** – волейбол бўйича универсиада чемпиони (ТошДПУ талабаси), **Луиза БЕКТЯКОВА** – теннис бўйича универсиада чемпиони (ЎзДЖТСИ талабаси), **Александр МАЛЬЦЕВ** – теннис бўйича универсиада чемпиони (ЎзДЖТСИ талабаси), **Луиза БУХТЯКОВА** – баскетбол бўйича универсиада чемпиони (СамДУ талабаси), **Вячеслав БЕЛОКУРОВ** – баскетбол бўйича универсиада чемпиони (БухДУ талабаси), **Руслан ШУШЕРОВ** – стол тенниси бўйича универсиада чемпиони (СамДУ), **Севара ҚОДИРОВА** – стол тенниси бўйича универсиада чемпиони (НамДМПИ талабаси), **Рустам ҚУРБОНБОЕВ** – футбол бўйича универсиада чемпиони (НамДУ талабаси), **Иброҳим ХАМРОҚУЛОВ** – шахмат бўйича универсиада чемпиони (СамДУ талабаси), **Севара ЮСУБАЛИЕВА** – шахмат бўйича универсиада чемпиони (ЎзМУ талабаси), **Екатерина КРЕМЛЕВА** – енгил атлетика бўйича универсиада чемпиони (НамДУ талабаси), **Ҳасанбой РАҲИМОВ** – енгил атлетика бўйича универсиада чемпиони (ФарДУ талабаси).

Умумжамоа ҳисобида наманганликлар биринчи ўринни, Тошкент-1 жамоаси иккинчи, самарқандлик вакиллар учинчиликни қўлга киритишди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

ЯНГИЛИК

**Нукус шаҳридаги "Гўзал" сартарошхонасида аёлларнинг упа сургич мочалкасидан помозок (совун сургич) ўрнида фойдаланилмоқда. Соч-соқол олдираётган мижоз борки, бундан боши осмонга етмоқда...**

ЛУҚМА

## "РОПҚОНЧА" ХИЗМАТ...

"Тошкент – Андижон" поезд йўналиши бўйича йўлга чиқдингизми, ҳеч иккиланмай Бешариқ шаҳарчасида жойлашган "Ропқон" бекати чиптахонасига шошаверинг. Поезд келишига бир, ҳатто чорак соат қолганда ўзларини арзитиб чиптахона қопқасини очадиган ажойиб ходимлар сизни асло хафа қилишмайди: ур-сурда билет ололсангиз, марра — сизники. Йўқса, яна ташвишланманг. Бекатнинг "дастёр"лари бир чипта нархига сизни бемалол поезд эшигидан киритиб қўйишга кафил. Энди буёғи танбур ёки ўтиш йўлагида ўтириб кетасизми, 3-"полка"дами ва ё бошқа йўлини қиласизми – маҳоратингизга боғлиқ.

*ЭСЛАТМА. Маслаҳат шуки, зинҳор чипта сотувчи аёлдан "Нега чипта нархи Тошкентдан Ропқонгача 1150 сўму Ропқондан Тошкентгача 1300 – 1350 сўм" дея сўрай кўрманг. Тошкентгача соғ-саломат, тинчгина етиб олай десангиз, шундай йўл тутганингиз маъқул.*

**Зуҳра ҲАМДАМОВА**

ТАДБИР

## АЙРИМЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛДИ...

"Талабалар шаҳарчаси"да "Ёшлар" телеканали ҳомийлигида 31 май — Кашандаликка қарши кураш кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Кечада бир қанча тажрибали олимларнинг кашандалик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Собиқ чекувчилар ўз тажрибаларидан хулоса чиқариб, кашандалик зарарли иллат эканлигини билдирдилар.

Тадбир давомида йигитларнинг тош кўтариш мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. Фолибларга ҳомийларнинг махсус совғалари топширилди.

Томошабинларга хуш кайфият, кўтаринки руҳ бағишлаш мақсадида ташриф буюрган хонандалар — Анвар Санаев, Азимжон Муллахонов, Нилуфар Саидова, "Садаф", "Аббос" гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Кеча қизиқарли ўтди. Афсуски, айримлар "Кашандаликка қарши кураш" тантанасида ҳам сигарета чекиб ўтиришди.

**Мавжуда ЖЎРАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети толибаси**

ОЛ-А!

## "ҲАММА ТЎЙГА"

**Мамарайим ака Олтиариқ туманининг катта Фарғона — Қўқон йўлидаги пост ГАИ, э, эсим қурсин, ДАН маскани(!)дан мотоциклини 180 га қўйиб ўтиб кетаётганида мелиса хуштак чалиб қолди:**

**— Чур-р-р-р!**

**Мамарайим аканинг мотосекили, э,йўқ, маскети, яна йўқ, мо-то-цикли (айтилишиям бир қийин) заводдан 50 йил олдин чиқмаганми, тормозни босса, ишламайди. У нима қиларини билмай каловланди-ю, калласига келган тадбирдан хурсанд бўлди.**

**Бир қўли билан ҳавони силкиб: "Ҳамма еппасига тўйга-а-а-а! — деганича мотоциклни тўхтатолмай ўтиб кетиб қолди.**

**Мелиса ҳайрон: қаерга, кимникига, қачон, қандай тўйга?..**

**Ф.КОМРОН**

ХАВОТИР

## ҲАЁСИЗЛИКДАН ЎЗИ САҚЛАСИН

Замондошларимиз турмушда гўзалликка эмас, ғайриғўзалликка кўпроқ интилаётганлари кишини ажаблантиради. Бунга ҳаётдан истаганча мисол топишингиз мумкин. Телеканалларда доим отишма: ким-кимни чопган, урган, қонатган, ўлдирган, ўғирлаган, алдаган, сотган... Ялангоч одамлар, тинимсиз ўпишишлар, ҳатто... Ҳатто, жинсий алоқаларгача кўрсатиладиган бўлди. Во дариғ!

Экран қаршисида ўтирган ота-она, ўғил-қиз, келин-куёв, набираларнинг руҳий ҳолатини, номус қадар ғазабини кўз олдингизга келтиринг.

Шуларни кўрганда, ўйлаганда хафа бўлиб кетаман...

**Асъат Иброҳим ўғли АБДУЛЖАББОР, нафақахўр**

ҚИЁС

**50-йилларда Америка машиналари ўртача 17200 километрда атмосферага 136 кг заҳарли элементлар чиқарган бўлса, бугунги кунда 19000 километр йўл босган машина атиги 3 кг дан сал зиёдроқ заҳар чиқармоқда.**

# "ПАХТАКОРНИНГ ТАРИХИ — ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ"

### СОБИҚ "ПАХТАКОР"ЧИ ЭРКИН АБДУРАИМОВГА ҲАСРАТЛИ МАКТУБ

Эркин ака! Ҳар қандай инсон болалигини, ёшлигини эслатадиган гапдан орзиқиб кетади. Ўтган ҳафта бўлиб ўтган сессияда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ қонун қабул қилинди. Шу аснода футболдан гап очилди. Муҳтарам Юртбошимиз мамлакатимиз ҳаётида футболнинг аҳамияти нақадар улканлигини ҳаяжонланиб гапирдилар, у кишидаги ҳаяжон, аминманки, миллионлаб мухлисларнинг ҳаяжонига айланди. "Пахтакор" жамоасининг тарихи — Ватанимиз тарихи" деган гаплари Сизни ва барча собиқ "пахтакор"чиларни тўлқинлантириб юборганига ишонаман. Эркин ака! Бизнинг болалигимиз "Пахтакор"нинг айни гуллаб-яшнаган йилларига тўғри келган. Биз тўп қувмаган, "Пахтакор" ҳақида талашиб-тортишмаган, кечалари тушларимизда Сиз ёки Красницкий билан ғойибона суҳбат қурмаган кун-тунларимиз кам бўларди. "Пахтакор" стадионини тўлдирган 50-60 минг томошабиннинг орасида биз зумрашалар ҳам албатта жой топар эдик.

... Сиз билан Чиғатой машғулот базасидаги ям-яшил майдон чеккасида суҳбатлашиб турибмиз-у, 60—70-йиллар кунда-кунора шу ерда "Пахтакор" ва бошқа меҳмон жамоалар футболчилари машғулотларини томоша қилганларимиз ёдимга тушди. А.Азизхўжаев, М.Шарипов, Ю.Пшеничников, Ҳ.Раҳматуллаев, И.Тазетдинов, Г.Красницкий... уларнинг ҳар бир чиройли ўйини, тепган тўпи, айтган гапи бизнинг тарихимизга айланган, биз болакайларнинг фикримиз, онгимизни шакллантирган. Шахсан мен ер юзида Грузия деган диёр борлигини Уршуадзе Хурцилава, Метревели, Месхи, Сичинава исмли футболчилар орқали таниганман. Маркаров, Банишевский деса Озарбойжон кўз ўнгимга келган. Темур Сегизбой — Қозоғистон, Желкиявичиюс — Болтиқбўйи, Иштоян — Арманистон тимсолига айланиб кетган эди тасаввуримда. Лобановский давридан бошланган Украина футболи юксалиши қаҳрамонларини айтмайсизми?!

Шу Чиғатойда машғулот ўтказган Шестернев, Стрельцов, Численко, Хусаинов, Блохин, Мунтянларга тўп узатиб турган даврларимизни айтмайсизми?!

Қани у футбол, Эркин ака?

Футбол ҳам ижод, у ҳам санъат — узлуксиз давом этадиган мураккаб ижодий жараёндан иборат санъат эканини нега шу чоққача англаб етмаймиз?!

Бразилия, Аргентина, Англия, Франция, Италия, Испания... Украинада узоқ йиллардан буён изчил давом этиб келаётган футбол тизими тажрибаларини ўзлаштириш шунчалар қийинми? Ахир бунга Ўзбекистонда замин бор-ку, асос бор-ку?!

Президент фармон устига фармон чиқараётган бўлса, шароитлар яратилаётган бўлса, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этса, кечирасизу, бекорчи ёшлар кўплигидан нолиганимиз нолиган-у... бешта чинакам футболчини тарбиялай олмай доғда қолиб юрсак!

Япония, Корея жамоаларини, Осиё ва Африка мамлакатларининг терма жамоаларини "Пахтакор" "сухой"га ютиб юрар эди, эндиликда ўша жамоалар ман-ман деган тараққий топган мамлакат футболчиларини довдиратиб қўймоқда, "Пахтакор" эса...

Президент Эрон футболчиларининг майдондаги шиддат-шижоатини мисол қилиб келтирди. Тўғри, улар гўё майдонга сўнгги марта тушаётгандек жонини жабборга бериб ўйнайди, нега бизникилар...

— Ютқазиб қўйса аламидан йиғлайдиганлар борми? — деб сўради футбол шарҳловчиси Муҳаммаджон Аҳмедов.

Эркин ака, бу саволни эшитиб "ялт" этиб қарадингиз ҳамкасбимга, сўнг яшил майдонда машғулот ўтказаётган "Сурхон" чиларни кузатишда давом этдингиз. Шу топда хаёлингиз узоқ-узоқларга кетганини сездим.

— Билмадим... — дедингиз ниҳоят. — Бўлса бордир... Биз ютқазиб қўйсак икки-уч кунгача ҳеч ким билан гаплашмасдик. Юрагимизга қил сиғмас эди. Одамларнинг кўзига қарай олмасдик. Ҳозир жамоага таклиф қилсангиз қўлига тегадиганини суриштиради. Уят... ғурур... ориятмиз...

1999 йил январь. Чапдан - ФИФА президенти Ж.Блаттер, В.Колосков, Э.Абдураимов ва А.Абдураимов

Замон ўзгариб кетди, ака. Бозор муносабатлари Сиз тилга олган гўзал туйғулар билан чиқишолмаяпти. Одамлар ҳам. Футболчилар-ку...

— Хорижда ҳам даромадни ўйлашади, лекин футболчи отаси тенги тренер билан савдолашмайди. Аввал майдонда тер тўкиб, ўзини кўрсатади, бир ишни қойиллатиб қўйгач бошқа воситачилар орқали муомала қилинади... Футболчидан ҳам, мураббийдан ҳам биринчи навбатда садоқат талаб қилинади.

Президент ҳам мураббий садоқати ҳақида таъкидлаб гапирди. Тўғри-да, "Пахтакор" нега бу қадар кўп қўлдан-қўлга ўтади? Унинг "штурвали"га кимлар келиб кетмаяпти! Натижа эса аянчлилигича қолмоқда.

Жаҳондаги етук жамоаларга тайинланаётган мураббийлар рўйхатига кўз югуртирайлик: аксарият жамоаларда шу жамоада тўп сурган, шу жамоа манфаати, шон-шуҳрати учун жон олиб-жон берган футболчилар эмасми? Тўғри, биздаги аҳволни ularникига қиёслаш қийин. Минг афсуски, "Пахтакор"нинг, умуман ўзбек футболининг шуҳратини дунёга ёйган забардаст футболчиларимизнинг кўпчилиги пешонамизга сиғмади. Ҳозир сафимизда Раҳматуллаев, Тазетдинов, Красницкий, Ан, Фёдоров, Раҳимов сингари чарм тўп усталари бўлганида эди!.. Ниятимизни очиқ-ойдин айтадиган бўлсак, нима, Эркин ака, Сиз "Пахтакор"нинг бутун масъулиятини наҳотки зиммангизга ололмайсиз? Ахир бутун ҳаётингиз "Пахтакор" билан чамбарчас боғлиқ-ку? Ўзбек футболи борасидаги тажриба борасида Сизга тенг келадиган футболчи йўқ-ку?

Шу фикрларни айтганимизда синиқ жилмайиб қўя қолдингиз. Мухлис сифатида кўнгилдаги орзуларни тўкиб солдик: ўзбек футболини ривожлантиришнинг 10-20 йиллик дастури яратилса, зарур маблағлар ажратилса, 10-12 ёшли болалар танлаб олинса, наҳотки, 5-10 йилда, Эркин ака, Сизга ўхшаш, Миржалолга ўхшаш, Шкварин ё Азаматга ўхшаш йигирма-ўттиз футболчи етишиб чиқмаса?! Дастурга асосланган тизим яратилган жойда янги-янги авлод футболчилар етишиб чиқаверади, ана ўшанда Президентимиз истаётган, миллионлаб мухлислар орзу қилаётган юксак тоифали футболчилар қатор-қатор бўлиб бўй кўрсатаверади. Шундай эмасми, Эркин ака?..

Шундай эмасми, футболимизнинг муҳтарам мутасаддилари?..

Футбол ҳақида узоқ гапириш, ҳатто ҳасратлашиш ҳам мумкин, бироқ ҳозир ҳасратларни йиғиштириб қўйиб, тер тўкиб ишлайдиган пайти етди.

Эзгу ниятлар билан мухлисингиз

**Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД**

ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

МУАММО

# МАФКУРАНИНГ АСОСИ – ТАРБИЯ

## Ёки шўрвадан бошқага ярамаган ғозлар

Улуғбек САИДОВ

Юртбошимиз миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида куюнчаклик билан гапирганлари беҳуда эмас – Инсон қўлсиз, оёқсиз, бошқа бирон аъзосиз яшайверади, аммо бошсиз, миясиз ҳаёти тўхтайди. Буни халқ, миллат, давлатга нисбат бериб айтсак, миллатни миллат қиладиган, жамият ва давлатнинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган бош – дунёқарашнинг, фикрнинг умумийлиги.

Иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар замирида муштарак ғоя, муштарак мафкура турмас экан, уларнинг натижалари юрт, миллат равнақи нуқтаи назаридан кемтик бўлади. Жамият, миллат, халқ мавҳум тушунча эмас, у конкрет алоҳида одамларнинг бирлигидан иборат. Ана шу алоҳида олинган одамларнинг жамият, миллат, халққа айланишининг биринчи шарти – ягона миллий ғоя замирида шаклланадиган миллий мафкуранинг мавжудлиги.

Бани башарнинг сабоқларини унутмаслик даркор. Ўтмишда неча-неча буюк давлатлар гуллаб-яшнаб, сўнг инқирозга учраб, йўқ бўлиб кетган, афсонага айланган, бирон бир халқнинг маданияти шаклини олмаган. Бобил, Шумер, Рим маданиятлари – гарчи кишилик тарихида чуқур из қолдирган бўлсада, ана шундай миллий маданий шаклидаги давомини топмай, геосиёсий тушунчага айланган. Кечаги кундаги янги маданиятни, янги совет халқи ва миллатини яратишга даъво қилган Совет давлати ҳам бунга мисол. Уларнинг тарихда узлуксиз давомини топа олмаганининг сабабини кўриш учун катта синчковлик ҳам шарт эмас – бу мафкурасининг зил кетгани, ёхуд уларнинг аввалдан ёлғон ва сунъий мафкурага таянгани.

Тарихнинг сабоқлари жамиятимиз олдида турган ўта долзарб масалани ҳал этишда икки хавфли йўлдан огоҳ этади. Аввало адабиётшунос олим О.Шарафиддинов тўғри таъкидлаганидек, "Мафкура кенг кўламли узлуксиз кечадиган жараён, доимо такомиллаштириб борилиши керак бўлган масала". Шундай экан, бирон бир фикрни, у қанчалик бугунги кунда долзарб бўлмасин, муҳрлаб, бажарилиши шарт бўлган қонун даражасига кўтарилса ривожланиш натижасида эскириб, эртага тўсиққа айланиши муқаррар бўлган догмага айланади.

Президентимизнинг миллий мафкура борасида кўпфикрликка даъват этаётган ҳамда миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги кераклиги ҳақидаги фикри, назаримда, айни шу хатарли йўлдан огоҳ этади.

Иккинчи хавфли йўл – хомхаёлга таяниб, инсон табиати, жамият ҳаёти, тарихий тараққиёт қонуниятларига зид ғояларни байроқ қилиб кўтариш.

Инсоният тарихи саҳифаларига одамзоднинг азалий орзу-умиди бўлган эрк, озодлик, тотувлик, бахт, тенглик сўзлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ҳар бир халқнинг ўтмишида бу тотли орзуга эришиш йўлида неча юз авлоднинг, неча минг фидойиларнинг кутлуғ қонлари тўкилмаган. Ҳосили эса кўпда фақат дилдаги армон бўлган. Бу йўлда мафтункор сароб кетидан Дон Кихот сингари эргашмай, ҳақиқат билан келишиб, заминда мустаҳкам оёқ қўйиб иш тутиш муҳимдир.

"Биздан озод ва обод ватан қолсин". Халқимизнинг асрий орзуларини мужассам этган бу сўзлар яна бир бор армонга айланмаслигининг шартларидан бири миллий мафкурадир. Мақсад бир – ватан, миллатнинг равнақи ва Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятига муносиб ва тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришидир. Миллий мафкура эса бунга эришишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Мустақилликка эришганимизга 9 йил бўляпти, биз аллақачон янги шароитда яшаяпмиз. Истиқлол белгиланди. Унга эришиш йўллари ҳам равшан. Энди қуруқ мулоҳаза юритишдан амалий ишларга ўтиш пайти келди.

Ҳаётга таянмаган, тажрибадан кувват олмаган ғоя – сохта ғоя. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов жамиятимиздаги билимдон ва соғлом тафаккурга эга бўлган зиёлилар зиммасига миллий мафкурани ривожлантиришнинг амалий вазифаларини белгилаб берди.

Миллий мафкуранинг бир-бири билан узвий боғлиқ таянч нуқталари маълум. Аввало ўзлигимизни, ўзига хослигимизни ва шу билан бирга алоҳидалигимизни англаш. Миллий руҳнинг уйғониши ана шундан бошланади. "Бола бошидан" - деган нақлни халққа, миллатга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Халқнинг туғилиши ва ривожланишига йўлдош бўлган воқеа ва ҳодисалар унинг келажагига катта таъсир ўтказади. Ҳеч қандай ислоҳоту ўзгаришлар миллий характерни буткул йўқ қилолмайди, улар фақат халқ характерининг у ёки бу жиҳатини, қиррасини юзага қалқитиб чиқариши мумкин, холос.

Халқ, миллат қиёфаси унинг ўз маданиятида намоён бўлади. Маданият эса яхлит тушунча, унинг макони - ўтмиш, бугунги кун, келажак. Халқимиз маданияти ҳам ана шундай кеча, бугун ва эртанги кунни ўзида мужассам этган яхлит тушунча экан, унинг ички моҳиятини англаб етсаккина ўз тарихимизни тушуна оламиз ва келажакда нималарга умид қилишимиз ва уни қандай йўсинда қуришимиз мумкинлигини ҳам биламиз.

Рус масалчиси И. Криловнинг бир масали бор. Унда қассоб қўлига тушган ғозлар хархаша қила бошлайди: "Бизнинг аждодларимиз Римни қутқарган!", - дея қисматларига қарши чиқадилар. "Ўзингиз-чи, ўзингиз нима каромат кўрсатдингиз?" - дея сўрашганда, жавоб беролмай қоладилар. Ундай бўлса, шўрвадан бошқа нарсага ярамас экансизлар", деб қассоб уларни қозонга босади. Хайриятки, халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлакачилик, собиқ совет тузумида миллатларни йўқотишга қаратилган "миллий совет" бизга кувват берувчи аждодларимиз яратган буюк маданиятдан, урф-одатларимиздан, миллий қадриятларимиздан бутунлай маҳрум эта олмади. Аммо буюк ўтмишимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш асосида юртимиз истиқболини тўғри белгилаш, таъминлаш, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуришда "руҳий-маънавий куч-қувват манбаи", ўша ғозлар қисматидан асрагувчи асос миллий ғоя, миллий мафкура эканлигини ҳанузгача тушунмаган одамлар борлиги, бу борада қилинган ишлар етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон амалга ошираётган ислоҳотлар реал натижа бериши учун жамиятимизни янгилаш ҳар қандай ўтиш даврига хос қийинчиликлар шароитида амалга ошаётганини ҳисобга олиш керак. Шундагина бир муаммони ҳал этиш йўлида бошқа янги муаммолар келиб чиқмайди. Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан ана шу ўтиш даврининг қийинчиликларига эътибор қилинган бўлса-да, жамиятимиз айрим салбий оқибатлардан холи бўла олмади. Жумладан, айрим тоифадаги аҳоли ўртасида хунук шаклдаги миллатчилик кайфиятининг пайдо бўлиши, вужудга келган мафкуравий бўшлиқ туфайли диний оқимларнинг тарқалиши, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолган кишилардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар оз бўлса-да ишончсизлик ҳолати, ҳатто ортга қайтиш орзуси шундай салбий оқибатлар қаторидандир.

Миллий ғоя ва миллий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришнинг бугунги кундаги зарурати ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Юрт дардини ўз елкасига олган юртбошимиз буни чуқур асослаб, исбот қилиб бердилар, амалиётга татбиқ этиш зарурлигини таъкидладилар. Бу йўлда чора тадбирларни тўғри белгилаш учун аввало мафкура деган тушунчанинг моҳиятини тўғри тушуниш зарур.

Ҳар қандай фикр, ғоя, қараш инсоннинг онги, шуурига, қонига сингигандагина, унинг юрагидан ўрин олгандагина мафкура, миллий мафкурага айланади. Шунинг учун миллий мафкуранинг, миллатимиз, халқимиз мафкурасига айланиши учун хос ва мос тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Бу борада энг катта зиён етказадигани — масалани кампанияга айлантириш. Йиғин, анжуман, суҳбат ва ҳоказолар керак. Аммо яширишнинг ҳожати йўқ, кўп тадбирлар ҳисобот учун, шошма-шошарлик билан ўтказилади, ғояю фикрлар декларация қилинади, холос. Баъзан эса янада хунук шакл оладики, у халқимиз тилида "дўппини олиш ўрнига, каллани олиш" дейилади. Пировард мақсадимиз, эл-юрт равнақи экан, миллий мафкура эса бунинг гарови экан, миллий мафкура халқнинг иймон-эътиқодига айланиши керак. Иймонга эса калтак билан ёки қуруқ даъват билан ҳеч қачон келтириб бўлмаган, бўлмайди ҳам. Президентимиз Ислом Каримовнинг қайси бир маъруза ёки чиқишларига қарамайлик маънавият, мафкура масалаларига тўхталганларида ҳар гал таълим-тарбия муаммоларини ўртага ташлайдилар. Миллий мафкура ҳар бир фуқаронинг, демакки, халқнинг онги ва юрагидан ўрин олиши учун бевосита эмас, билвосита таъсир кўпроқ натижа беради. Санъат, адабиёт, театр, кино, радио, телевидение – мафкура шаклланадиган ва айни пайтда мафкуравий кураш борадиган ҳудуд. Инсон онгига таъсир борасида телевидениеда жиддий масалалар атрофида уюштирилган суҳбатнинг таъсири қаерда- ю, унда тилга олинган фикр ва тушунчаларга мутлақо зид ва унинг кетидан намойиш этилган ўғрини урган қароқчи ёки муштумзўр ҳақидаги ўта таъсирчан кино санъати воситалари жалб этиб ишланган фильм, ёки ўйлашдан маҳрум этиб, дидни ўлдирадиган ғарб сериалларининг таъсири қаёқда. Бунинг ёнига онгни заифлаштирадиган (бу аллақачон психолог олимлар томонидан исботланган) рекламани қўшинг, яна китоб дўконлари ва расталарда ўткинчиларни жилвадор муқоваси билан жалб этувчи шубҳали мазмунга эга китоб, рисолаларни қўшинг ва ҳ.к. Баъзан ўйлаб қоласан, бу қудратли мафкуравий қуролни бировлар мажбурлаб қўлга тутқазаяптими, ёки бир қадам нарини кўришга қодир бўлмаган, ақли саёз ўз одамларимиз "сиз уринмай қўяқолинг, ўзим", - деб душманнинг қўлидан пичоғини олиб, ўз кўксига санчаяптими ?

Мафкура инсон онгига сингдирилади, демак, мафкурани шакллантиришнинг асосий воситаси – тарбия. Сир эмас, айрим раҳбарлар собиқ иллатлардан бири – буйруқбозлик асносида иш кўриб, осонгина йўлни – тақиқлаш ва жазолаш йўлини тутадилар. Бундай "ижрочилик" ёшларнинг фикрини ўзгартириш ўрнига улар онгига сингдирилган ёлғон ғояларни янаям мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ёки тўй ва маъракалардаги исрофгарчилик, дабдабага берилишга чек қўйиш кераклиги ҳақидаги Президентимиз фармонининг "ижро"сини олайлик. Худди шундай ишларда тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини ниҳоятда оқилона ташкил этиш керак бўлади.

Бола катталардан, халқ эса жамиятда маълум мавқега эга бўлган кишилардан ўрнак олади. Тарбиянинг энг қудратли воситаси – шахсий ўрнак. Эл назарида бўлган раҳбар миллий мафкуранинг заруратини юракдан ҳис этмас экан, уни қалбига жо қилмас экан, ўз ҳаёти ва фаолиятини миллий мафкура замирида кўрмас экан, шўролар давридаги "сиёсий машғулот"лар руҳида газетада чиққан мақолани, давлатимиз раҳбари ёки ҳукумат қарорларини тутилиб-тутилиб ўқиб берганидан наф бўлмайди. Аксинча, унинг "ижрочилиги"дан зиён кўпроқ бўлади.

Мафкурани шакллантириш, халқ онгига сингдириш кенг кўламли, доимий эътиборни талаб этадиган узлуксиз жараён ва унинг асосий воситаси – тарбия.

МУНОЗАРА

**Газетамизнинг 24 май сонида эълон қилинган Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси масъул котиби А.Абдураҳмоновнинг "Мухбир кепти, нима бўпти ёхуд туман газеталари керак...ми?" сарлавҳали мақоласи долзарб муаммо юзасидан баҳс очгани таҳририятга келаётган хатларда ўз аксини топмоқда. Жамғарманинг Сирдарё вилояти бўлими раиси Ж.Умарқулов биринчи бўлиб мақолага муносабат билдирди.**

# ХЎЖАКЎРСИНГА ЧОП ЭТГАНДАН КЎРА...

## Мутасадди раҳбарлар, муносабат билдиринг!

Жўра УМАРҚУЛОВ

Ўз пайтида гарчи А-3 форматда бор-йўғи икки варақда чоп этиладиган туман, кичикроқ, ўртача шаҳарларнинг газеталари ўзларининг ўқимишлилиги, ҳозиржавоблиги, айримларининг жанговарлиги билан кўплаб ўқувчиларига эга эдилар. Уларда кўтарилган муаммолар, танқидий мақола ва фельетонлар манаман деган маҳаллий раҳбарни ҳам ўйлашга, газета билан ҳисоблашишга мажбур қиларди. Ҳозир ҳам ўз ўрни, обрўсини топган бир-иккита туман газеталари боплаб нишонга урадиган мақолалари билан анча-мунча зўравонни жойига қўйиб қўя оляпти. Афсуски, бундай газеталар саналса беш бармоғинг ҳам ортиб қолади.

Мен "Ҳуррият" газетасининг шу йил 24 май сонида А.Абдураҳмоновнинг "Мухбир кепти, нима бўпти ёхуд туман газеталари керак...ми?" деган мақоласини ўқигач, дарҳол қўлимга қалам олиб, бу ғоят муҳим масалада ўз нуқтаи назаримни қоғозда қоралашга киришдим. Чунки бу масала туман, шаҳар газеталарида ғоят мушкул шароитда, мураккаб муҳитда ишлаб ижод қилаётган ҳамкасбларим тақдири мени кўпдан бери ўйлантириб келарди.

Мен мақолада сарлавҳага олиб чиқилган савол бир кун эмас, бир кун албатта кўндаланг қилиб муҳокамага қўйилишига ишонардим. Сабаби, иккита журналист ёки тўртта туман газеталари муҳаррирининг боши қовушса ана шу савол ўртага ташланарди. Ташланарди-ю, аммо ўз ечимини топмасди. Чунки ҳали бирон-бир туман раҳбари ёки газета муҳаррири номигагина онда-сонда бир неча юз нусхада чоп этилаётган, "газетанг борми — бор" дея хўжакўрсинга чиқарилиб турган газетанинг боридан йўғи дейдиган мардни кўрмадим. Ахир баъзида ҳафтада, кўпинча ўн беш кунда, ойида бир марта чоп этилаётган газетада бутун бир туман ҳаётини қандай қилиб тўлиқ ёритиб бўлади?! Қолаверса, туман ҳокими қабул қилган ҳаётий қарорлар, белгиланган муҳим тадбирлар газетхонларга етиб боргунча ўз ҳозиржавоблигию таъсир кучини йўқотгач, унинг кимга фойдаси бор? Агар бу фикримизни бир-икки ойда ёки чоракда бир марта газетхон қўлига тегаётган газеталарга нисбатан айтсак, газетанинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодимизни равнақ топтириш, халқимиз фаровонлиги ва бошқа муҳим соҳаларда олиб бораётган ишларимизда бундай газетанинг керак-нокераклигига аниқ жавоб олишимиз турган гап.

Мен шу ўринда беихтиёр 1970 йили вилоят газеталари муҳаррирларидан ўн беш нафари собиқ Германия демократик республикасида матбуотнинг ўрни, журналистлар ва таҳририятлар фаолияти билан танишиб келиб, ўз кўрган-билганларини жамоаси ходимлари билан ўртоқлашганларини эсладим. Ўшанда мен "Сирдарё ҳақиқати" газетасида ишлардим. Муҳарриримиз Исмоил ака Сулаймонов ГДР да тўплаган таассуротларини гапириб бериб, ҳаммамизнинг немис журналистларига ҳавасимизни уйғотган эди. Исмоил аканинг биринчи ҳикояси шу бўлдики, ГДР да туман газеталари ўша пайтдаёқ тугатилган экан. Республика, вилоятлар, туманлар раҳбарлари ва журналистлар узоқ вақт ўзаро маслаҳатлашгач шу қарорга келишган эканлар. Гап шундаки, ГДР да туман газеталари тугатилиб, вилоят газеталари нусхаси кескин оширилган. Туман газеталари ўрнида вилоят газетасининг уч кишидан иборат мухбирлар пости ташкил этилиб, улар ихтиёрига енгил машина, телетайп, диктофонлар берилибди. Ана шу уч ходим вилоят газетасига ҳафтасига катта форматда туман ҳаётидан бир саҳифа мақола тайёрлаб беришаркан. Қарабсизки, туман ҳаёти вилоят миқёсида ўқилиб, вилоят газетаси нусхаси ошган. Ўша пайтда ГДР нинг энг кичик Росток вилояти газетаси 70 минг нусхада чоп этилиб, таҳририяти рентабелли ҳисобланаркан. Йирик вилоятларда эса газеталар юз минг, ҳатто ундан ҳам кўпроқ нусхада чиқаркан. Кўпга чўзмай, вақтида ҳал қилинган масала кутилган самара берган. Менимча, немис матбуоти амалга оширган бу тадбирни кеч бўлса-да биз ҳам қўлласак ёмон бўлмасди. Бўлмаса туман газеталарини сақлаб қолиш зарур бўлса, уларнинг нусхаларини таҳририятлар молиявий аҳволини қоплагудек даражада кўпайтириб, мухбирларга зарур ижодий муҳит яратиб бериш лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, газета қоғози, босмахона харажатлари ошгандан-ошиб бораётган бир даврда туман ҳокимлари, муҳаррирлар, мухбирлар, матбуотимизга мутасадди раҳбарлар хўжакўрсинга оқсаб-тўқсаб ноилождан чиқарилаётган туман газеталари керакми-йўқми деган саволга узил-кесил жавобларини берсинлар.

МУНОСАБАТ

# "ГИМНАЗИЯ ЖАНЖАЛХОНА ЭМАС"

"Ҳуррият", 2000 йил 12–18 апрель, 15–сон

Мақола чиққандан буён таҳририятимизга келган, оғзаки айтилган муносабатлар ёстиқдек бўлди. Аввало, Халқ таълими вазирлигидан олинган жавобни эътиборингизга ҳавола қилсак:

***"Ҳуррият" газетасининг 2000 йил 12-18 апрель 15(168)-сонида "Гимназия жанжалхона эмас" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада келтирилган далиллар вазирлик томонидан Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилди.***

***Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам таълим муассасаси раҳбари А.Баҳромов кадрлар билан ишлаш жараёнида ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўйган. Чироқчи тумани халқ таълими бўлимининг 2000 йил 28 апрелда бўлиб ўтган кенгаши қарори билан гимназия директори А.Баҳромовга ҳайфсан эълон қилинган.***

***Гимназиянинг собиқ раҳбари Хушвақт Ўғлонов эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 февралдаги 65-Ф сонли фармойиши, Қашқадарё вилоят ҳокимининг Х-67/2 сонли ва Чироқчи туман ҳокимининг 1998 йил 28 февралдаги Х-108/2 сонли қарорларига асосан ўтказилган аттестацияси натижалари асосида эгаллаб турган лавозимидан озод этилган...***

***Ж.ЙЎЛДОШЕВ,***
***Халқ таълими вазири"***

Мақола юзасидан Чироқчи туман халқ таълими бўлими мудири Ўрол Абдураҳмоновдан ҳам хат келди. Гарчи хатга, тўғрироғи, раддияга имзо чекилмаган эса-да, уни эътиборсиз қолдирмасликни лозим топдик. Ў.Абдураҳмонов гимназиядаги жанжал қолиб, мақолада ўзининг исм-шарифи зикр этилган ўринларга изоҳ беришга ҳаракат қилган, ўз шаъни, қадр-қимматини ҳимоясига ўтган.

Биз буни жуда табиий қабул қилдикки, зеро, ўз шаънига доғ тушишини ҳеч ким истамайди. Жумладан... мухбир ҳам.

Бундай ҳолатларда, одатда, баҳс-мунозара майдалашиб, бачкана тус олади: ким кимнинг қариндоши, ким қайси қишлоқдан чиққан, амма-холаси қаердан ва ҳоказо. "Гимназия жанжалхона эмас" мақоласи муносабати билан олинган хатларни ўқиган киши шундай хулоса қилмай иложи йўқ.

Аслида мақсад бошқа-ку! "Ҳуррият"нинг махсус мухбири Чироқчига жанжал устига мой сепиш учун эмас, унга барҳам бериш ниятида борган эди-ку?

Шу ниятда сафарга чиқиб, "Ҳой биродарлар, гимназия жанжалхона эмас" деган мақсадда мақола ёзган ёш мухбирнинг у ёки бу сўзига "ёпишиб" олиш ва шунинг эвазига ундан "товон" талаб қилиш нечоғли тўғри? Ундан кўра, гимназиядаги ўзаро низоли муҳитни соғломлаштириш тўғрисида қайғуришимиз муҳимроқ эмасми?!

Гимназиядаги собиқ ва амалдаги раҳбарлар ўртасида келишмовчилик кўпдан буён давом этмоқдами?

- Давом этмоқда!

Унга барҳам бериш зарурми?

Зарур!

Хўш, бу билан ким шуғулланмоғи керак?

Гимназия жамоаси, гимназия раҳбарияти, маҳаллий туман раҳбарияти!

Мақоладан кўзланган муддао ҳам шу!

Шу маънода "Уймовут" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Келдиев, ота-оналар қўмитаси раиси Д.Тўраев, туман кенгаши депутати Ш.Жовлиев имзолаган хатни таҳририятга келтирган Шоназар Жовлиевнинг таклифи жуда ўринли деб ҳисоблаймиз. Муҳтарам депутат: **"Қишлоғимиздаги жанжал республика миқёсига ёйилишини истамаймиз, бу фарзандларимиз таълим олаётган маскандаги муҳитга салбий таъсир қилади, қўйинглар, ҳаммасини ўзимиз жойида бартараф этамиз"**, дея масалага нуқта қўйилишини илтимос қилдилар. Тамом-вассалом! Бундан улуғроқ, эзгуроқ вазифа ҳам йўқ ҳар биримиз учун!

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, айрим хатларда мақола муаллифига сиёсий бўҳтонлар, "ёзувчилар" билан тил бириктирганликда айблашлар ҳам учрайдики, бундай уринишлар самара берадиган замонлар аллақачон ўтиб кетганига шукрлар қиламиз. Ҳар қалай, "Ҳуррият" бу маънода ўз мухбири шаънини ҳимоя қила олади.

Буни қаранг, яна гап беихтиёр инсон шаънига келиб тақаляпти. Яна такрорлаймиз: ҳар қандай киши ўз шаъни, қадр-қимматини асрашга ҳаракат қилади. Бунинг энг яхши йўли битта – жамоада ўзаро муносабатлар тозалиги, беғуборлигига эришиш!

Чироқчи тумани халқ таълими тизимидагилар ҳам, 1-сонли гимназия жамоаси ҳам чўзилиб келаётган жанжалга барҳам бериб, ана шундай тўғри йўлни танлайдилар, деган умиддамиз.

ТАҲРИРИЯТ

**ИЗОҲ: Янгийўл туманидаги "Кичкинтой" ҳиссадорлик жамиятидан туширилган ушбу суратдаги тасвирни кўриб ажабланаётган бўлсангиз керак. Агар ажабланмаётган бўлсангиз... Давлатимиз рамзи бўлган байроғимизда ажиб ўзгаришлар "пайдо бўлиб" қолибди. Ундаги юлдузларнинг тартибига эътибор берилмаганлиги етмагандек, ярим ой - ҳилол улардан аразлабди, шекилли, тескари қараб олган. Бунинг устига ёлғизликдан зерикмаслик учун қаердандир битта юлдуз "чақириб", у билан дўстлашиб олибди.**

**Ҳай, ҳай, биродарлар, давлат рамзига бунчалик эътиборсизлик айб эмасми?!**

**"Кичкинтой"дагилар, сиз кичкинтой эмассиз-ку, буни ўргатиб турсак!..**

Даврон АҲМАД

ХАТ

# "МАМНУНМАН"

**"Ҳуррият" ўз шиорига содиқ бўлган мустақил газета. У аллақачон ўз қиёфасини топган, ўз мустақил айтар сўзи бор. Ҳарқалай, мен шу фикрдаман. Газетанинг дадил чиқишлари менга ёқади.**

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
Асака туманидаги 7-умумтаълим мактабининг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси

ХОТИРА

# ҚИШЛОҚ ПРОФЕССОРИ

## Форишда бу инсонни ҳамон ҳурмат билан эслашади

**АНИҚ** эсимда, 1974 йилнинг 12 майи эди. Ошқозон яраси билан касалхонада ётгандим. Бекорчиликда вақт кўп: нуқул китоб ўқийман, расм чизаман, ўзимча шеърлар ёзаман.

Бир пайт Исроил ака хонамизга кириб келганларини пайқамай қолибман. Шошиб ён дафтарчамни ёстиғим тагига яширдим. "Ассалому алайкум!" — дедилар Исроил ака. Ирғиб ўрнимдан турдим. У киши елкамдан оҳиста босиб, ўтиришга ишора қилдилар. Хонадаги ҳамма беморлар билан ҳол-аҳвол сўрашдилар. Стулни яқинроққа суриб ўтирдилар.

— Биламан, китобни яхши кўрасан, — дедилар дабдурустдан. — Дафтарчангни кўрсам бўладими, ёки менга мумкинмасми?

Уялиб, дафтарчамни узатдим. Ичидаги ёзувларни, расмлар, чала-чулпа шеърларни диққат билан ўқиб чиқдилар.

— Шоиржон, дўстгинам, яхши бола экансан, — дедилар. — Кимнинг ўғлисан ўзи?

Отамни айтдим.

— Э, э, ўзимизнинг Оллоёрнинг ўғлимисан, ахир отанг билан ёшлигимизда Бурднинг булоғи бўйларида роса ўйнаб мол боққанмиз. Бўлмаса, икковимиз жўрамизда энди. Мен сенга иккита расм чизиб бераман. Булар буюк инсонлар. Уларни чизиб ўргансанг майли, лекин ҳеч қачон масхара қилиб чизма.

Шундай дедилар-да ён дафтарчамнинг тоза варақларидан бирига зумда Навоийнинг, яна бирига Пушкиннинг суратини чизиб бердилар.

— Энди яна битта расм чизиб бераман. Буниям ҳар жойга чизаверма. — Қоғоз бетида пайдо бўла бошлаган расмни пайқаб кулиб юбордим. — Кулма, шоиржон, кулма. Машқ қилсанг, ҳамма нарсани чизса бўлади.

Менга эсдалик бўлиб қолган бу сурат Исроил аканинг автопортрети эди.

Шу-шу бўлди-ю, биринчи мулоқотдаёқ менда у кишига чексиз ҳурмат пайдо бўлди. Касалликдан қийналиб юрганимда у киши менга ягона нажоткордай туюлди. Исроил ака эрталаб ишга келиши билан қандай бўлмасин у кишининг йўлидан чиқишга, икки оғиз ширин каломини эшитишга ҳаракат қилардим.

Касалхонада қатъий режим: соат тунги ўнда уйқуга ётилади. Бир кун кечаси ҳамма ухлагандан сўнг Исроил ака хонага кириб мени уйғотди.

— Шоиржон, футболга қизиқасанми?

— Ҳа, — дедим мен.

— Унда тур, ҳозир зўр футбол бўлади, эртага кўролмадим, деб армон қилиб юрма...

**ҲАЁТИМДА** жуда кўп ўқиганларим, одамлар, қиёфалар ва бошқа нарсалар хотиримдан фаромуш бўлгани аниқ, лекин негадир Исроил аканинг ҳар бир гапи ёдимда муҳрланиб қолган.

— Шеър ёзиш учун жуда кўп сўз бойлигинг бўлиши керак. Кўп нарса ёдлашинг лозим, — деганди бир куни у киши.

Йиллар ўтиб, ўқишни тугатгач Тошкентдан қайтдим. Ўқитувчилик қилдим. Туман, вилоят, республика матбуотида шеърларим чиқди. Исроил ака эса шунча ташвишлари бўлишига қарамай, мени эсдан чиқармабди. У киши туманда ҳали-ҳануз энг машҳур врач. Асосий касби жарроҳлик бўлса ҳам, ҳар қандай бемор Исроил акага мурожаат қилгиси келарди. Тўшакка бутунлай михланиб қолган кексаларнинг мени Исроилжон бир кўрсайди, тузалиб кетардим, деб интиқ бўлганларини, тузалмайди деганларнинг тузалиб кетганларини ўзим биламан.

Тақдир тақозоси билан 1992 йилда иккинчи марта жарроҳлик столига ётдим. Кучли оғриқдан ҳушимни билиб-билмай касалхонага келтирилганимда, тушликдан энди қайтган Исроил ака аҳволимни кўриб, зудлик билан жарроҳлик бўлимига олиб чиқинглар, деб буюрди.

Хонага икки врач кириб келишди. Исроил ака тепамга келиб:

— Шоиржон, мен сизни яхши кўраман, биласиз, лекин сизни тезда операция қилиш зарур, уйингизга хабар қилайми? — деди.

Мен:

— Ҳожати йўқ, сизга ишонаман, операциядан кейин ўзлари билишар, — дедим.

— Ҳаммаси яхши бўлади, ҳали бақувватсиз, — деди Исроил ака. Шу бир оғиз калом менга қанчалик куч бағишлаганди. Ўрнимдан туриб жарроҳлик столига ўзим бордим, қўл-оёғимни боғламасликларини, қимирламай чидашимни айтдим. То наркоз таъсиридан ҳушимдан кетгунимча Исроил ака билан суҳбатлашибман.

Касалнинг ёмони операциядан кейин юз берди. Бир неча кун жонлантириш бўлимида ётиб, "жонланганимдан" сўнг жарроҳлик бўлимига олиб чиқиб ётқизишди. Исроил ака кўринмайди. Кеч бўлиб қолган эди. Телевизорда "Пахтакор"нинг ўйинини икки соат томоша қилдим. Хонамизга деворни ушлаб аранг етиб бордим. Тун бўйи навбатчи врач, ҳамширалар югуришади, укол қилишади; ҳеч нарса таъсир қилмайди. Бутун кеча кўз юммадим. Умидсизликка тушдим. Ичим қоронғу.

Эрталаб Исроил ака кирди. Афт-ангоримни кўриб, ҳайратини сездирмади. Ҳол-аҳвол сўради. Воқеани айтдим. Ёнимга ўтирди.

— Ғам чекманг, шоиржон, суҳбатингизни соғиндим, — дедилар-да илиқ қўлларини ишқалаб, қорнимни секин силай бошладилар. Суҳбат асносида хона бурчагига, гоҳ менга қаттиқ тикилиб қолардилар. Мен оғриқ бутунлай тўхтаб, қандай қотиб қолганимни билмайман. Уйқудан шундай тиниқиб, шундай бардам уйғондимки, роппа-роса бир ярим сутка ухлабман.

—**ИСРОИЛ** ака, шу шоирлар, санъаткорлар гўзалликка ўч бўлишади-я, — деб сўрадим.

— Қўяверасиз, гўзалликни илғамаган қалбда санъат, ижод нима қилсин, — дедилар. — Энг буюк шоир, энг буюк рассом ҳаётнинг, табиатнинг ўзи. Сиз унинг мингдан бир мўъжизасини англай олсангиз, сиздан буюк шоир, сиздан буюк рассом бўлмайди.

Шу суҳбатлар асносида англай бошладимки, Исроил ака ҳақида оддий одамлар айтиб юрган ҳангомалар лоф эмас экан. Бу одам шунча нарсага қандай улгурар экан, чарчамасмикан, деб ҳайратга тушардим. Хоҳлаган мавзуда сўз очинг, бемалол суҳбатлашади, ёлғон гапирмайди, фикрлари ниҳоятда асосли. Ўз касбини умр бўйи ардоқлади. Рафиқаси: "Хўжайин, кучли мутахассис бўлсангиз, марказга бориб ишламайсизми?"— десалар, "Чинорхон, мени тўғри тушун, Тошкентда яхши мутахассислар кўп, мен аввало шу ерда кўпроқ кераман, мен қишлоғимнинг профессориман", — деб жавоб берган эканлар.

Исроил ака яхшигина шоир, ажойиб рассом, бир неча мусиқа асбобларини маҳорат билан чала оладиган мусиқачи, ҳайкалтарош эди десам муболаға бўлмас. У киши Байрон, Гёте, Нозим Ҳикмат, Стефан Цвейг, Думбадзе асарларини ўз тилида ўқиган зукко инсон эдилар. Китобни умр бўйи ардоқладилар.

Исроил аканинг шеърлари туман, вилоят, республика матбуоти саҳифаларида эълон қилинган, ҳатто украин тилидан таржима қилган шеърлари ўқувчиларга манзур бўлганди.

Исроил ака найда "Чўли ироқ"ни қойиллатиб чалганини ҳануз гапириб юришади.

У киши умр бўйи ҳаракат қилиб 16 тилни ўрганишга муваффақ бўлганди. Грузин, ҳинд, араб ёзувларида бемалол ёзар, шу тилларда ёзилган китобларни бемалол ўқирди. Чет тилларни ўрганишга ниҳоятда лаёқатли, худо берган ўткир хотираси бор эди.

Исроил ака 1955, 1961 йилларда Тошкентда ўтказилган ҳаваскор рассомлар кўригида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллаган. У киши К.Беҳзод, М.Музаҳҳиб, Пир Аҳмад Боғишамолий, Айвазовский, Клод Моне, Шишкин, Ч.Аҳмаров каби рассомларнинг ижоди билан яхши таниш эди.

Исроил ака Навоий, Бобур, Горький ва отасининг ҳайкалларини гипсдан ясаган, отаонасининг бюстларини ишлаган, қишлоғимизда иккинчи жаҳон уруши қурбонларига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасини мармарга ўйган, ибн Сино, Навоий, А.Орипов суратларини барельф шаклида ўйиб тасвирлаган ҳайкалтарош, наққош ҳам эдилар.

Тоғларимиз табиати, қишлоғимизнинг оддий одамлари ҳақида жонли, ҳужжатли фильмлар ишладилар.

Германия, Ҳиндистон, Куба каби мамлакатларда бўлиб, бу мамлакатларнинг тиббиёт соҳаси билан чуқур танишди. Шу билан чекланиб қолмай, бу мамлакатларнинг гўзал шаҳарлари, музейлари, тарихий обидаларининг даста-даста суратларини тушириб қайтди.

Исроил ака жарроҳлик фаолияти давомида ўн беш мингдан ортиқроқ катта-кичик операция қилди. Ўз ютуқлари билан ҳеч қачон мақтанмади. Умрининг охиригача ўқиди, тинмай изланди. Кейинги йилларда гипноз билан даволаш маҳоратини чуқур эгаллади. Исроил ака гипноз орқали невроз, неврастения, истерия, эпилепсия, мигрень, истерик амовраз (кўзнинг кўрмай қолиши), қўрқувдан шол ва гунг бўлиб қолиш, бронхиал астма, холецистит, семизликни қайтариш, иштаҳани кучайтириш ёки сусайтириш, мижоз сустлигидан қайтариш, қўрқув, журъатсизлик, дудуқланиш, гиёҳвандлик, сўгални тўкиш, теридаги оқ доғларни кетказиш, ҳаяжон ва оғриқни йўқотиш, кишининг мудроқ истеъдодини ривожлантириш, паришонхотирликни сусайтириш, жисмоний, жинсий ва ақлий қувватни ошириш, ҳинду тибет йоглари усулида ички аъзоларни даволашни қойиллатарди.

**МЕНИНГ** Исроил ака ҳақида билганларим денгиздан томчи, холос.

Исроил ака ўн бир фарзанд ўстирдилар. Уларнинг кўпчилиги шифокорлик йўлини танлашган. Катта қизи Зуҳра акушер-гинеколог, ўғли Рустам юқумли касалликлар шифокори. Энг кенжа фарзанди Суҳробжон отасига ўхшаб, албатта, жарроҳ бўлмоқчи.

Исроил ака олтмиш беш йилгина яшади. Бироқ у кишининг муборак номи минглаб юртдошларимиз қалбида узоқ яшашига имоним комил.

Ихтиёр УМАРОВ,
Фориш туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси

МАҒРИБУ INTERNATIONAL LIFE МАШРИҚ

## РИК ЛАЗИО ЗЎРМИ ХИЛЛАРИ КЛИНТОН?

### Буни вақт кўрсатади

АҚШнинг Нью-Йорк штатида сенаторликка ким сайланади? Сўнгги вақтда бу савол ўз ечимини топгандек. Нью-Йорк мэри Рудольф Жулиани жиддий касаллиги (у простата раки билан оғриган) ва оилавий можаролар туфайли сайлов курашидан чиқадиган бўлди. Шундай қилиб, вазият тақозосига кўра АҚШнинг биринчи хоними — Родем Хиллари Клинтоннинг сайловда ғалабага эришиши кундек аниқ бўлиб қолди.

Рудольф Жулианининг ўрнига республикачилар партиясининг намояндалар палатаси аъзоси унча обрўга эга бўлмаган 42 ёшли Рик Лазионинг номзоди қўйиладиган бўлди. Сайловларгача қолган олти ой даврда Рик Лазиони ўз маблағ жамғармасини тузиб олишга улгуриши керак. Хиллари Клинтон эса шундай жамғармани тузишга ва бутун штатни айланиб чиқишга улгурган.

Республикачилардан кўрсатилган янги номзод рақиби Хиллари Клинтонни айблашга улгурди. Унинг айтишича, АҚШ биринчи хонимининг Нью-Йоркка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг сайловда қатнашиши фақат карьеристик руҳда бўлмоқда. Қолаверса, у сайловда солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобидан (Хиллари Клинтон штат бўйлаб қилган барча сафарларида президент самолёти ва вертолётидан фойдаланган) қатнашмоқда.

"Ўзим тўғримда гапирсам, — деди Лазио. — Мен Нью-Йоркда туғилдим ва бутун ҳаётимни шу шаҳарда ўтказдим". Унинг шиори қуйидагича: "Рик Лазио — 100 фоиз нью-йорклик".

Бу шиор унга ёрдам берадими-йўқми Худо билади. Аммо у йил бошидаёқ, "агар февралдан сўнг сайлов кампаниясига қатнашган тақдиримда, сўнгги манзилга ғолиб сифатида етиб боришим амалда мумкин эмас" деб айтганди.

Сўнгги пайтларда Нью-Йорк матбуотида Наполеоннинг: "Менга тактика ва стратегияни оз-моз тушунадиган генералларни, яхшиси, омадли генералларни беринг" деган сўзлари тез-тез такрорланмоқда.

Деярли барча шарҳловчилар эса бир овоздан Клинтонларнинг омади юришаётганини айтишмоқда. Хиллари Клинтон нафақат омадли, балки, ўз қадамини ўйлаб босишни ҳам яхши биладиган аёл. Кузатувчиларнинг фикрича, унга фақат бир нарса халақит бериши мумкин, холос. У ҳам бўлса сайловчиларнинг АҚШнинг биринчи хонимига ва у билан боғлиқлиги кутилаётган жанжалларга бўлган муносабатидир.

Чунки, нью-йоркликлар бу каби жанжаллардан чарчашган.

**Хориж матбуоти асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ тайёрлади.**

ФАОЛИЯТ

## РАҲБАР ИМКОН ТОПАЯПТИ

### Янгича ишлаган фақат маош эмас, ер ҳам олади

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Кимдир аҳволни тузатиб беришлари учун ҳамон "тепа"дан нажот кутади, кимлардир "тўғри фаолият юритолмаётган" қуйи раҳбарлар, қишлоқ хўжалиги ходимларидан гинадор.

Сафаримиз Жарқўрғон туманининг олис "Халқобод" жамоа хўжалигида ўтди.

Омон Аҳадов бундан уч йил бурун бўғзигача қарзга ботган хўжаликни қабул қилганида олдинда қанчалик ташвишли, серғалва кунлар турганлигини биларди. Фақат хўжалик аъзоларига берилмай қолган, иш ҳақининг ўзи 26 миллион сўмга етганди. Электр энергияси, ўғит, бюджет тўловларидан қолган қарзларнинг ҳисоби эса, бундан-да баланд эди.

Ижтимоий муаммолар беҳад йиғилган, иқтисодий аҳвол издан чиқиши натижасида ҳатто аҳоли ҳам қулайроқ масканларни кўзлаб хўжаликни тарк эта бошлаганди.

— Ишни кадрлар танлашдан бошладим, — дейди Омон ака ўша дамларни эслаб, — анчагина ходимлар иш излаб кетганлари сабаб ҳатто бошқа хўжаликлардан ўзим билган яхши мутахассисларни ҳам жалб қилишга мажбур бўлдим. Сўнгра ишдан чиққан техникаларни қайта тикладик. Кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан аҳолида йиғилиб қолган техник эҳтиёт қисмларни ҳам олишга тўғри келди. Интизомни йўлга қўймай хўжаликни тиклаш мумкин эмаслигини аъзоларимизга тушунтирдик. Хўжаликка келаётган ва чиқаётган ҳар бир тийиннинг ҳисобини қатъий назоратга олдик.

Албатта, ушбу бошланғич тадбирлар дастлабки самараларини бера бошлади. Баҳор яқинлашар, аммо яна катта бир муаммо кўндаланг турарди: эрта-индин ерга ишлайдиган, хўжаликнинг қаноти бўладиган асосий ишчи кучи — хўжалик аъзолари (кўчиб кетиш оқибатида) камайиб кетганди. Раис бунинг бирдан-бир чорасини одамларга сувли ердан томорқа ажратишда деб билди. Қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этишда шахсий томорқа муҳимлигини туман раҳбарларига қийинчилик билан тушунтирди, Гарчанд сувли ернинг ҳар бир қаричи ҳисобли бўлса-да (хўжалик ерларига асосан насослар ёрдамида сув чиқарилади), томорқага кетган ерлардан йўқотиладиган маҳсулотни, ҳосилдорликни ошириш эвазига қоплаш режаларини ташлади раҳбарлар эътиборига.

Кеча-ю кундуз ишлашимизга тўғри келди. Туманда энг оғир сув муаммоси бизнинг хўжаликда. Етиштирилган ҳосилни йўқотмаслик учун ўзим ҳам насослар бошида тунги навбатчиликда туришимга тўғри келган пайтлар бўлди. Ўша йили ғалла, пахта ва бошқа экин турларининг ҳосилдорлигини оширганлигимиз, режаларни уддалаганимиз эвазига хўжалик аъзоларининг чўнтагида пул, омборида дон, дастурхонида нон фаровон бўлди. Аммо мен учун бошқа нарса — ишласа, меҳнат қилса ҳаётни фаровон қилиш мумкин эканлиги хусусида одамларимизда ишонч туйғулари пайдо бўлгани муҳим эди".

Раис билан хўжалик далаларини айланарканмиз, Жарқўрғондан хўжалик марказига олиб борувчи йўлдан ғизиллаб ўтиб турган "Дамас", "Тико"ларга эътибор қилаётганимни сезган Омон ака суҳбатига илова қилади: "Бу янги машиналар хўжалик аъзоларимизники. Деярли барча бригада, бўлимларимиз биттадан шундай янги машинали бўлишди. Уларнинг бир қисми мукофот тариқасида берилди, бир қисми даромадлари эвазига сотиб олинган..."

Раҳбарликнинг биринчи йилини ёруғ юз билан якунлаган Омон ака кейинги йил режаларини янада улканроқ тузди.

1998 йил натижаларига кўра хўжалик барча иш ҳақлари ва бошқа тўловлар қарзидан қутулди. Икки йилда хўжалик аъзоларига 1000 тонна ғалла, ҳар бир оилага 70 килодан ўсимлик ёғи иш ҳақлари, мукофот ва қўшимча иш ҳақи ўрнида тарқатилди. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси қонун доирасида бўлган. Чунки бугунги талабга кўра режани ортиғи билан бажардингми, шартномани уддалаб давлат буюртмаси билан ҳисоб-китоб қилдингми, демак ортиқча ҳосил хўжалик аъзоларининг она сутидек ҳалол ҳақи.

Омон ака 1999 йилда Республикада биринчи бўлиб ғалла сотиш режасини уддалади. Пахтачилик ҳам ёмон бўлмади, режа 114 фоизга бажарилди. Маслаҳатли тўн тор келмас деб шуни айтадилар-да.

Омон ака бу йилги режалари ҳақида гапирар экан, тўғриси у кишининг хўжалик ҳудудидаги қумлоқ ерларга сув чиқариб 500 га. янги ер очаётганларига унчалик ишонмадим. Юзлаб, минглаб хўжаликлар ўз аъзоларига иш ҳақи беролмаётган бир пайтда бу ахир шунчаки гап эмас-да. Шунинг учун ўзлаштирилаётган ерларни бориб кўришни илтимос қилдим. Хўжаликнинг Тожикистонга туташ жанубий томонидан 500 гектар ерни суғоришга мўлжаллаб 2 та йирик насос ўрната бошлашибди.

Уларни ўрнатиш ва ишга тушириш харажатларининг ўзи учунгина хўжаликдан 30 миллион сўм маблағ ажратилибди. Бунга яна қўшимча ариқ тортиш, ерларни тайёрлаш ишларига ажратилажак маблағлар-чи...

Ҳа, айтишга осон, аммо бу ишларни бир хўжалик кучи билан амалга ошириш учун нафақат оғир меҳнат ва катта маблағ, балки қалтис таваккалчилик ҳам керак. Афсуски, бугун аксарият раҳбарларимиз ана шундай таваккалчиликка бел боғлай олмаётганлари учун ишлар давр талабидан орқада қолаётир.

Дарвоқе, "Халқобод"да бўлганимда хўжалик раҳбари бошчилигида бу ерда хайрли яна бир янгилик — ҳашар ишлари кенг йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдим. Бу ерда уч йил ичида халқимизнинг қадимий удумига суяниб анча-мунча ишларни, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга улгуришибди. Хўжалик марказидаги ташландиқ майдонда бунёд этилган футбол, воллейбол, баскетбол майдонларидан иборат спорт-соғломлаштириш мажмуи, теннис корти ана шу эзгу ишларнинг ҳосиласидир. Бу иншоатлар ёнидан эса хўжаликнинг барча шароитларига эга янги идора биноси қуриш, мавжуд боғчани таъмирлаб ишга туширишдек юмуш ҳам режалаштирилган.

Омон ака Аҳадов бошчилигида иқтисодий таназзулга юз тутган бир хўжаликда уч йилда амалга оширилган ишлар билан танишар эканман "Ишлашни истаган имконият, истамаган баҳона қидиради" мазмунидаги мақолни эсладим. Қулай ер, сувга, катта имкониятларга эга ўнлаб ўзим билган хўжаликлардаги оғир иқтисодий-ижтимоий аҳвол кўз ўнгимдан ўтаверди. Ана шу хўжаликлар раислари, қишлоқ хўжалиги соҳасида елиб-югурган бошқа мансабдорларнинг "ор учун ишлаяпмиз, аҳволни яхшилаш бизнинг имкониятимиздаги иш эмас" қабилидаги эътирозларини "Халқобод"даги ишлар билан хаёл тарозисида ўлчаб шундай хулосага келдим: бугунги бозор шароитида ишласа, ишлаганда ҳам ҳеч бўлмаса қўл остингдаги фуқароларни, ходимларнинг фаровонлигини таъминлаш даражасида ишласа бўлар экан.

Бунинг учун фақат баҳона эмас, кўпроқ имконият томонга оғиш ва албатта, ўз тажрибанг, салоҳиятингга қатъий ишонч зарур экан.

**Даврон ОРИПОВ, "Ҳуррият"нинг махсус мухбири**

СУҲБАТ

## "ЎЗБЕКИСТОННИ БУЮК КЕЛАЖАК КУТМОҚДА!"

### дейди француз адиби РЕНЕ КАНЬЯ

**Суҳбатдошимиз Рене Канья 57 ёшда. Ёзувчи, сиёсатшунос олим. Узоқ йиллар ҳарбий соҳада, кейинроқ Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. У Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон ҳаётига оид кўплаб мақолалар, "Чўллар шивири" ва "Империялар силсиласида" китобларининг муаллифи. Яқинда Тошкентдаги "Альянс-Франсез" француз маданият марказида адиб билан учрашув бўлиб ўтди. Имкониятдан фойдаланиб, у билан суҳбатлашдик.**



**— Жаноб Рене Канья, "Чўллар шивири" ва "Империялар силсиласида" асарларингиз ғояси Сизда қандай туғилган?**

— Кўп йиллар собиқ СССР пойтахти Москва шаҳридаги Франциянинг элчихонасида ишлаган эдим. 1971 йил хизмат сафари билан мени Ўзбекистонга жўнатишди. Ана шунда илк бор Тошкентни кўрдим. Ўзбекистоннинг ажойиб табиати, гўзал фасллари, бағрикенг одамлари, боғ-роғлари мени мафтун этди. Шу пайтдаёқ Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқлари ҳақида асар яратиш ғояси туғилганди. "Чўллар шивири" номли китобим кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган асар. Унда сизнинг ўлкангизда яшаётган халқлар миллий анъаналари қамраб олинган. Ўзбеклар ва ўзбекистонликлар, тожиклар, қозоқ, қирғиз, туркман каби умумий бир туркий оилага мансуб халқлар бугунги кунда яна илгари сурилаётган "Туркистон — умумий уйимиз" шиори остида олиб борилаётган ишлар, Орол бўйидаги экологик муаммолар, миллий маросимлар ҳақида ҳикоя қилинади. У ўқувчиларга Марказий Осиё халқлари ҳаётига оид қизиқ маълумотлар беради, деб ўйлайман. Ҳозирда бу китоб рус, инглиз, немис ва бошқа халқлар тилларига ўгирилиш арафасида. Бир сўз билан айтганда, у этнографик асар ҳисобланади.

"Империялар силсиласида" номли китобим кўпроқ илмий изланишлар самарасидир. У икки маротаба нашр қилинган. Мен 1983 йилларда Париждаги сиёсий фанлар институтида тадқиқотлар олиб борганман. Илмий ишим мавзуи собиқ СССР ва Хитой, Монголия чегарасида жойлашган халқлар ҳаётига бағишланган. Илмий ишларимга таниқли сиёсатшунос олима Элен Каррер Ландюссэ раҳбарлик қилган. Илмий изланиш баҳонасида кўп мутолаа қилишга тўғри келди. Кейинчалик Марказий Осиё халқлари ҳаётига қизиқиб, ушбу асарни яратдим. Бугун Ўзбекистонда ўзликка, миллий давлат тизимига қайтилмоқда. Буюк Амир Темур асос солган миллий давлатчилик тизими қайтадан ўрганилмоқда. Китобда бу ҳақда батафсил сўз боради. У ҳам бир қанча тилларга таржима қилинмоқда.

**— Юртимизга собиқ иттифоқ даврида ҳам келган экансиз, мустақиллик йилларида Ўзбекистонга келганингизда сизда қандай фикрлар туғилди?**

— Ўзбекистонни мисли кўрилмаган буюк юксалишлар кутмоқда. Юксалишки, том маънодаги буюк келажакка етаклайдиган. Сизнинг халқингизга ҳавасим келади, чунки буюк ўзгаришлар, ютуқлар ҳаммаси шу одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун яратилмоқда. Биргина Тошкентдаги яратувчанлик кишини ҳайратга солади: афсонавий, замонавий архитектура иншоотлари, боғ-роғлар...

**Ўлжабой ҚАРШИЕВ суҳбатлашди**

## "БРИТАНИК"НИ БИЛАСИЗМИ?

### У "Титаник"дан ҳам каттароқ эди

Барчамиз "Титаник" кемасининг Атлантика океанида катта айсбергга урилиб, ғарқ бўлганлиги ҳақида эшитганмиз, ҳатто бу ҳақда фильмни ҳам томоша қилганмиз. Аммо ўша даврларда "Титаник"дан ҳам каттароқ бўлган "Британик" ҳақида эса унча маълумотга эга эмасмиз. Денгиз тубида ётган "Британик" 1916 йилдан бери сув остида ётибди. 1999 йил ноябрь ойларининг бошида профессионал қидирувчилардан ташкил топган гуруҳ кемани ўрганишга киришди. Улар "Британик" кемаси айнан биринчи жаҳон уруши йилларида чўкканлигини тахмин қилишмоқда. "Британик" қурилаётган пайтда "Титаник" биринчи сафаридаёқ муз қоясига урилиб чўккан эди. "Британик" қурилишида "Титаник"да йўл қўйилган хатоликларни такрорламаслик учун ишончли усулдан фойдаланилди. "Британик" аслида Лондра, Соутхамптон ва Нью-Йорк шаҳарлари орасида қатнаши керак эди. Аммо инглизлар ундан бир касалхона кемаси сифатида фойдаланишди. "Британик" Мидилли оролига керакли нарсаларни олиб келишга кетаётганида 1916 йилнинг 21 ноябрь куни сувга ғарқ бўлди. Ҳалокат натижасида 28 киши ҳаётдан кўз юмди, 1106 киши қутқариб қолинди. Кема қайси сабаблар билан чўкканлиги, у бир жисмга урилиб чўкканми ёки бирор бир сув ости кемаси орқали чўктириб юборилганми деган тахминлар тарихчиларни ҳали-ҳанузгача қийнаб келаётир. "Британик" билан боғлиқ қизиқ ва муҳим нуқта шундаки, кема жуда қисқа вақт ичида чўккан. "Титаник" билан "Британик" кемаси солиштириб кўрилса, "Титаник" тахминан 3 соатда чўккан, ундан бирмунча каттароқ ҳисобланган "Британик" эса бор-йўғи 57 минут ичида сувга ғарқ бўлган. Кема 1970 йилнинг охирларида Жакки Кусто томонидан ўтказилган текширувлар натижасида 120 метр чуқурликдан топилган. Фақат ўша пайтларда ғаввослар сув остида 10-15 минутдан ортиқ тура олмасликлари сабабли бу қидирув иши қолдирилганди. 1980 йилнинг ўрталарига келиб, тадқиқотчилар сув ости роботи ёрдамида кеманинг расмларини олишга эришишди. Олинган расмлар шуни кўрсатдики, кема ҳали ҳам ўз ҳолича сақланиб қолган, фақат унинг олд томонида чўкишга сабаб бўлган тешик бор. Робот кеманинг чўкиш вақтида ишлатиладиган сув ўтказмайдиган эшиклар ёпилган-ёпилмаганини аниқлаб бера олмаган.

**Хориж матбуоти асосида Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади**

ТАҲЛИЛ

## АФҒОН МУАММОСИ АБАДИЙ ЭМАС

**Маъмуржон НИШОНОВ, профессор**

### МУРОСАГА ДАЪВАТ

Афғонистонда ҳокимият учун кураш жараёнида вужудга келган муаммони ҳал этиш, бу ерда тинчлик ва хавфсизликни ўрнатиш жуда муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу йўлда Республикамиз Президенти И.Каримов алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. У киши ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48- ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида Афғонистондаги можарони бартараф қилиш нечоғлик зарур эканлигини таъкидлаган эди. Ниҳоят, Президент И.Каримовнинг беқиёс ғайрати ва ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган 6+2 гуруҳининг (Эрон, Покистон, Хитой, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, АҚШ ва Россия) Тошкентда учрашуви бўлиб ўтди. Тошкент учрашувининг аҳамиятли томони шундаки, биринчи марта "Толибон" ҳаракати вакиллари билан бирлашган фронт вакиллари юзма-юз учрашиб, улар Афғонистон муаммосини ҳал қилиш вақти етганлигини тан олишди. Иккинчидан, учрашувда иштирок этган 6+2 гуруҳи вакиллари Афғонистон можаросини фақат тинч йўл билан тезроқ бартараф қилиш кераклигини таъкидлашди.

Республикамиз Президенти Тошкент учрашувида сўзлаган нутқида Афғонистон можаросини ҳал этишда томонлар учун маъқул келадиган таклифларни илгари сурди. Аввало уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва ҳарбий асирларни алмаштириш; иккинчидан, Афғонистон давлат тузуми бўйича умумий ёндашувларнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш, кенг вакиллик асосида Афғонистон ҳукуматини шакллантириш; учинчидан, 6+2 гуруҳига аъзо бўлган давлатларнинг Афғонистонга кенг кўламли гуманитар, иқтисодий ва молиявий ёрдам кўрсатиш халқаро дастурини ишлаб чиқиш, ана шу дастур асосида Афғонистонга ёрдам кўрсатишни қўллаб-қувватлаш.

Бу учрашувда Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида Тошкент декларацияси қабул қилинди. Унда Афғонистон можаросини тинч йўл билан бартараф қилишнинг йўл-йўриқлари, принциплари, механизмлари ва қарама-қарши турган гуруҳларнинг манфаатларига мос келадиган асослари яратилди.

### БЎҲРОН

Афғонистонда 20 йилдан зиёд вақтдан бери давом этиб келаётган ўзаро уруш туфайли мамлакат иқтисодиёти бутунлай издан чиқди. Халқнинг аҳволи ниҳоятда оғир. Айниқса, бу йил Афғонистоннинг жануби-шарқий районларида рўй берган қурғоқчилик натижасида 400 минг аҳоли ночор аҳволга тушиб қолди. Улар тирикчилик ўтказиш мақсадида Афғонистоннинг турли районларига, жумладан, шимолга қараб йўл олиш эҳтимоли бор.

### ДУНЁ АФҒОН МУАММОСИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАДИ? ҚАЧОНКИ...

Ҳозирги вақтда Тошкент Декларацияси БМТ ҳужжати мақомини олмоқда. Ўтган йили ноябрь ойида Римда Афғонистоннинг собиқ подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ташаббуси билан Афғонистон муаммосини ҳал қилишга бағишланган халқаро учрашув бўлди. Учрашувда Афғонистон бўҳронини ҳал этишда Тошкентда 6+2 гуруҳи томонидан қабул қилинган декларация муҳим роль ўйнашлиги таъкидланди.

Шу йил апрелида Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизликни таъминлашга бағишланган учрашуви чоғида ҳам Афғонистондаги сиёсий кризисни ҳал қилиш ишига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Афғонистон муаммоси ҳал этилади. Лекин қачон? Буни айтиш қийин. Чунки муаммонинг ички ва ташқи илдизлари чуқурлашиб кетди. Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамияти жиддий эътибор бермаяпти. Гўё Афғонистон ҳамжамиятга ёт бўлган давлатдек. Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли — сиёсий музокаралар йўлидир.

Музокаралар чоғида **аввало**, қарама-қарши томонлар ўзаро ўт очишни тўхтатиш ва умуммиллий ярашувга эришиш ҳақида битим тузиш;

**Иккинчидан**, Афғонистондаги барча сиёсий, диний, ҳарбий кучлар ҳамда чет элда юрган афғон диаспираси вакиллари иштирокида кенг доирада коалицион ҳукумат тузиш назарда тутилмоқда.

**Учинчидан,** Афғонистонда Олий Жирғани чақириш, парламент сайловларини ўтказиш.

**Тўртинчидан,** Афғонистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, этник ва регионал тараққиётини таъминлашга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. Ана шу дастурни амалга оширишда Афғонистонга иқтисодий, молиявий ёрдам бериш.

**Бешинчидан,** Афғонистонга четдан қурол-аслаҳалар келтирилишини бутунлай ман этиш. Наркобизнес ва терроризмга қарши курашнинг самарали механизмларидан фойдаланиш.

Афғонистондаги қарама-қарши турган гуруҳ раҳбарлари ўзларининг шахсий, миллий, этник, диний келишмовчиликларини бир чеккага қўйиб, мамлакат, халқ тақдири, Афғонистоннинг келажагини ўйлаб бирбирларига ён берган ҳолда музокаралар жараёнини бошлашларига ишонгимиз келади. Тошкент учрашуви келишувга йўл очди.

**Охири. Боши ўтган сонларда**

ШОВ-ШУВ!

## НАРКОБИЗНЕСНИНГ "ЯНГИЧА" УСУЛИ ОШКОР БЎЛДИ

Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитасининг Алмати шаҳар департаменти ходимлари Тожикистоннинг Қозоғистондаги элчихонасига қарашли машинадан катта миқдорда гиёҳванд модда топгани ҳақидаги хабар тез орада шов-шувга айланиб кетди.

21 май куни Бишкек — Алмати автомобиль йўлида Қозоғистон миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Тожикистон элчихонасига қарашли икки машинани тўхтатдилар. Машиналардан бири элчининг ўзига, бошқаси элчихона ходимига тегишли бўлиб чиқди. Қозоғистон миллий хавфсизлик ходимлари шу йил бошидаёқ Тожикистоннинг Қозоғистондаги савдо вакили орқали республикага гиёҳванд моддалари келтирилаётгани тўғрисида оператив маълумот олганди. Тожикистон ҳукуматидан рухсат олингач тўхтатилган икки машина элчининг ва Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги консуллик вакилларининг гувоҳлигида тинтиб чиқилди. Тинтув натижасида 62 кг героин, шунингдек, 54 минг АҚШ доллари ва бир миллион 261 минг фунт стерлингга тенг чек топилган.

23 май куни эса Тожикистоннинг Қозоғистондаги савдо ваколатхонасига қарашли гараждан тинтув пайтида яна 10 кг героин топилди. Оператив маълумотларга қараганда, топилган героиннинг ҳаммаси савдо вакили Неъматовга тегишлидир.

Хавфсизлик қўмитаси Алмати шаҳар департаменти бошлиғи Р. Алиевнинг сўзларига қараганда, героиннинг бир қисми Алматидаги наркотикфурушлар орқали сотилиши, бошқа қисми эса Россия ва Ғарбий Европага жўнатилиши мўлжалланган. Департамент бошлиғи маълумотига кўра, наркотикларни транзит қилиш ва сотиш Тожикистоннинг Қозоғистондаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари ёрдамида амалга оширилган.

Гиёҳванд моддалар ташишда гумон этилган яна беш нафар Тожикистон фуқароси қўлга олинган. Мазкур шахслар дипломатик дахлсизлик ҳуқуқига эга эмас. Бугунги кунда уларга нисбатан жиноий гуруҳ таркибида наркотикларнинг ноқонуний савдоси ва контрабанда моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Мана шу воқеалар юзасидан ўтказилган матбуот конференциясида айтилишича, наркомафиянинг бу каналини йўқ қилиш учун ярим йилдан ортиқроқ вақт мобайнида тайёргарлик кўрилган. Тожикистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси эса 1998 йилнинг 6 мартидан буён кузатув остида бўлган. Айнан ўша куни Алмати шаҳар полицияси тасодифан дипломатик номерли "Мерседес" машинасини тўхтатган. Ҳайдовчиси муқаддам икки марта судланган тожикистонлик фуқаро бўлиб чиққан, "Мерседес"нинг дипломатик номерлари ҳам қалбаки бўлган. Машинани кўздан кечириш чоғида 500 миллион долларга берилган чек топилган. Мазкур чекка Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда Тожикистон молия вазири ва миллий банк раисининг имзолари чекилган. Расмий Душанбе мазкур чекнинг қалбаки эканлигини айтган. Бироқ Қозоғистон хавфсизлик хизмати шу кундан бошлаб Тожикистоннинг элчихонасини кузата бошлаган.

23 май куни Тожикистоннинг Қозоғистондаги элчиси Саъдуллажон Неъматов рўй берган воқеани оммавий ахборот воситалари журналистларига берган интервьюларида шарҳларкан, Тожикистон элчихонасининг наркотикларни ташишга алоқадорлигидан ташвишдаман, деган эди. Бироқ элчи кейин Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Раҳматуллаев билан телефон орқали гаплашар экан, интервьюларни вазият билан тўла танишмай туриб, шошиб бериб юборибман, дейди. У рўй берган воқеани икки мамлакат ўртасига совуқчилик тушириш ва Тожикистон делегацияси Минск саммитида иштирок этаётган бир пайтда у ердаги вазиятга ҳам таъсир ўтказиш мақсадида уюштирилган провакация, деган.

Тожикистоннинг Қозоғистондаги савдо вакили зудлик билан Душанбега чақиртириб олинган. Савдо вакилини аэропортда жиноятчи сифатида кутиб олдилар. Маълумотларга қараганда, Тожикистон савдо вакилининг квартирасидан ҳам яна 14 кг героин топилган.

**Ш.ТЎЛАГАНОВ А.СОИБНАЗАРОВ**

ТАЛҚИН

## "ЧИН ДИЛДАН СЕНИ СЕВАМАН"

### Шоир Иброҳим ас-СИАБИЙ ижодига бир назар

Араб халқининг қалбини, унинг ички дунёсини яхшироқ билиш учун бизга фақат илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган санъатнинг, энг аввало шеърият, араб шеъриятининг барҳаёт тилигина ёрдам бера олади. Бундай шеърият кўчманчи бадавийларнинг ўтовларида, араб саҳроларидаги кулбаларда юзага келган. Араб шеъриятининг шаклланишида ва тараққиётида кўчманчи бадавий шоирлар ҳиссаси беқиёсдир. Мана у бир ярим минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида яшаб келмоқда. Араб шеъриятининг қадимги машҳур намояндалари ҳаётга чанқоқ, эрксевар Абу Нувос, мағрур ал-Мутанаббий, ҳақиқат изловчи, доно ал-Мааррий ва бошқаларнинг ўлмас шеърлари ва қасидалари ўз қимматини йўқотмасдан бизга етиб келган.

Хўш, ХХ аср араб шоирлари нима ҳақида ёздилар?

Биринчи навбатда Ватан ҳақида. Ватан улар учун фақат меҳрибон, серқуёш бир гўшагина эмас. Ватан, бу — халқ, унинг нафаси, юрак уриши, унинг меҳнати ва жасорати. Ватан улар учун бой ўтмиш, ҳозирги қаҳрамонлик, порлоқ келажакдир.

Ироқ, Миср, Ливан, Сурия шеърияти билан бир қаторда, Саудия Арабистони, Яман, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари шеърияти азалдан араб халқларининг маънавий ва миллий руҳининг ўзига хослигини ифодаловчи асосий омиллардан бўлиб келди. Янги даврда ҳам, яъни араблар тарихида муҳим ижтимоий тараққиёт ўзгаришлари рўй берган охирги икки аср давомида шеърият ана шу муҳим моҳиятни сақлаб қолди.

Шоир Иброҳим ас-Сиабий ҳижрий 1374 йили Жазон шаҳрида таваллуд топди. Демак, у замондош ёш шоирлардан бири.

Иброҳим ас-Сиабий бошланғич ва ўрта таълимни Жазондаги мадрасаларда, иккинчи босқич шаҳодатномасини эса педагогика институтида ҳижрий 1393\94 йилда олди. Кейин Жидда шаҳридаги қирол Абдул Азиз номли университетда ўқишни давом эттириб, уни ҳижрий 1400 йилда тугатди.

Шоир Иброҳим ас-Сиабий қасида анъанасини давом эттириб, аруз шеърий вазнининг қатор баҳрларида, яъни басит, ражаз, рамал, мутадорик каби баҳрларда ижод қилмоқда. У қасидаларида Ватан, ота-она, дўстга садоқат, табиат манзараларини тасвирлайди.

Шоир Иброҳим ас-Сиабийнинг шеърий асарларида биз унинг туғилиб ўсган, азиз юрти бўлмиш Жазон шаҳрига нисбатан чуқур муҳаббат билан ёнаётган ҳаяжонини ҳис қиламиз. Унинг "Меҳрибоним ва денгиз" ҳамда "Қалбдаги қайиқ" номли шеърий тўпламларида чоп этилган бир қатор қасидаларини, яъни "Муҳожир қушга", "Кўчманчилар оҳанглари", "Мен ва жароҳатлар", "Умидсизлик кўз ёшлари", "Юрак ғам-ташвишлари" ва бошқаларни бунга мисол қилиб кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Шунингдек, шоир Иброҳим ас-Сиабий ўзини ардоқлаб, вояга етказган ота-онасига бағишлаб бир қатор қасидалар ёзади. У ўзининг "Меҳрибоним ва денгиз" деб номланган илк девонининг бағишлов сўзида шундай дейди: ***"Бутун вужуди билан бизни ардоқлаган, чин дилдан сени севаман, деб айтган ягона инсон – мунис онажонимга... Менга атиргул узиш учун тикон устида юришдан лаззатланган меҳрибон отажонимга... Узоқ юртга сафар қилган содиқ дўстимга... Ҳар қандай сохта муҳаббатни рад этувчи, вафодор ёримга... Денгиз учун қалби туғён ураётган, унинг бағрида ором оладиган, денгиз шивирлашларидан уйғонадиган барча қалбларга "Меҳрибоним ва денгиз"ни бағишлайман..."***

Шу ўринда бир изоҳ бериб ўтиш керакки, шоир туғилиб ўсган юрт Жазон шаҳри Қизил денгиз бўйида жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, унинг деярли барча қасидаларида денгиз тўлқинлари ва у билан боғлиқ манзаралар акс эттирилади.

Шоир Иброҳим ас-Сиабий ҳаётидаги энг азиз инсон бўлган волидаи муҳтарамасига бағишланган қасидасида ўз ҳис-туйғуларини шеър қилиб куйлайди:

*Мен сени қандай унутаман? Меҳру муҳаббатинг менга бағишлаб умринг ўтказдинг,*
*Мен сени қандай унутай? Қалбимда нурни ёритиб тилимга чиқарган севгинг бор.*
*Э, онагинам, бутун орзулари мендан бўса олиш бўлган лабларни ва мени қучиш бўлган бу қайноқ қўлларни қандай унутаман?!*
*Қалбимдаги тилакларни қандай унутаман...*

*Сен менинг орзуларим, ёшлигим рўёсисан.*
*Сен менинг соғинчим – ардоқлаб авайлаган ғамхўримсан,*
*Сен менинг севганим... ўзинг энг яқин дўстимсан...*

*Мени деб қанчалар кечаларни бедор ўтказдинг,*
*Кечалари алла айтиб, қалбимни куй-қўшиқ билан тўлдирдинг,*
*Ғамгинлигимда завқ бахш этдинг,*
*Сенинг оҳангинг менга замон қўшиғидек ҳамроҳ бўлиб парвоз этиб юрибди.*
*Ҳаққингни, сенинг олдингдаги улкан қарзларимни қайтараман деб яшасам-да,*
*Умрим чўзиларди-ю, ҳеч қачон фурсат етмайди, аммо.*

Шоир Иброҳим ас-Сиабий ўз қасидаларида юртни кезиб юрган баҳор шодиёналарини,

гўзал табиат манзараларини акс эттиради. У "Силмий" номли қасидасида ўтиб кетаётган баҳорни қайтадан чорлайди, ўзини гўё уни қайта учрата олмайдигандек ҳис қилади.

Иброҳим ас-Сиабийнинг бир қатор қасидалари илгариги ва ҳозирги замон ижодкорларининг асарларидан илҳомланиш орқали юзага келган. Абдуллоҳ ал-Бурдуний, Аҳмад Шавқий, Амир Абдулло ал-Файсал, доктор Ғозий ал-Қосибий, Ҳайриддин аз-Заркалий ва бошқа шоирлар таъсирини унинг чоп этилган шеърларида яққол кўриш мумкин.

Шоир Иброҳим ас-Сиабийнинг қасидаларидан ташқари "Дил хотираси" номли тўпламига киритилган бир қатор рубоийлари ҳам бор.

**Шаҳноза ҒОИПОВА, Тошкент давлат шарқшунослик институти битирувчиси**


ҲУРРИЯТ Мустақил газета Ўзингни англаб ет! 31 май - 6 июнь 22 (175)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — Г - 225

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

"Алп Жамол Банк" бошқаруви раиси, қадрли ҲАМИДУЛЛА НАСРУЛЛАЕВ!

**Сизни муборак 70 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан қутлаймиз.**

**Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилаймиз. Доимо тотув оилангизга, аҳил жамоангизга бош бўлиб юраверинг!**

"ҲУРРИЯТ"ЧИЛАР

# ГУЗАРДА НИМА ГАП?

Маҳалла гузарлари мустақиллик йилларида ўзига хос маънавият масканларидан бирига айланмоқда. Бу ерда маҳалладошлар ўзаро фикр алмашадилар. Кўни-қўшнилар аҳволидан, бўлажак тадбирлардан, қолаверса, юртимизда юз бераётган турли хил ўзгаришлару саъй-ҳаракатлардан бохабар бўладилар, кенгашадилар. Пойтахтнинг Яккасарой туманидаги "Ракат" маҳалласи гузари ҳам ана шундай серфайз жойлардан саналади. Маҳаллада истиқомат қилаётган 8 мингдан ортиқ аҳолига раис Ортиқ ҳожи Мансуров бош-қош. Бу ерда Наврўз байрамини нишонлаш, Хотира ва Қадрлаш кунини эъзозлаш каби тадбирлар эсда қоларли даражада ташкил этилди. Хайрли ишга бош қўшган маҳалла фаолларидан Турғун ака Турдиевнинг ташаббускорлигини маҳалладошлар эътироф этишмоқда.

Дилноза РАҲМОНОВА

# ҲИСОБИНИ ЙЎҚОТГАН...

Алишер Саҳобович қўшниси Бунёд Бобоевга фарёд солди:

— Қанақа одамсиз, қўшни? Сигирингизнинг дастидан тинчиймизми?..

— Намунча чиранасиз, қўшни? Сигирим томорқангизни дабдала қилгандай додлайсиз-а?

— Вой, бунинг ҳеч нарса кўрмаган кишидек бамайлихотир гапиришини қаранг-а? Сизнингча...

— Ётиғи билан тушунтиринг. Сигирим нимангизни дабдала қилибди?

— Ёрилиб ўлгур сигирингиз томорқамда хил-хил пишиб турган помидорларимни паққос еб қўйибди.

Бунёд Бобоев пинагини бузмай:

— Қўшни, менинг сигирим сизнинг томорқангизга атиги бир марта кирган, холос. Шунга шунча тўполонми? Сизнинг қақажон товуқларингиз бир йилдан буён томорқамдан чиқмайди, тухум қилишини сир сақлаб келамиз-у, сиз маҳаллани бошингизга кўтарасиз-а. Ҳе номард! Биз жиммиз, сиз...

Алишер Саҳоббоев буни эшитаркан, мисли ҳайкалдай турган жойида михланиб қолди. Тили калимага келмас, фақат ютинарди. Ичида: "...ҳа-а, ичидан пишган-э! Мен айтаман, бу патинг юлингурлар мен билан ҳисоблашмай, эрталабдан катак очилиши билан, қўшнининг томорқасига донлашга ўтиб кетаркан. Хомкалла бўлмасаям, чиқимидан қочи-иб, уйда суюниб юрибман-а. Тагимга роса сув кетган экан-ку. Демак, йигирмата товуқ кунига йигирма дона тухум қўйса... Бир йилда нақд етти минг дона тухум бўлиб турибди-ю. Ҳозир бир дона тухумнинг нархи фалон пул... Кафтимга қўниб турган хазинани бой бериб қўйибман-а. Эҳ, аттанг!!!" — дея хаёлидан ўтказди-ю, кўзлари сопол бўлиб, мирзатеракдай ерга "гуп" этиб ағдарилди.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ

# ОЁҚ ЧИҚАРГАН ҚОЗОН

Бу гапни эшитиб ажабланманг. Талабаликда шунақаси ҳам бўлиб тураркан. Шанба кунларининг бирида тўрт киши бўлиб ош қилиш учун ўртага юз-юздан ташладик. Биз учун ош қилаётган кунимиз — байрам. Бахтга қарши ўша "байрам" куни ётоқхонамизда ток йўқ, ҳамма ёқни зимистон қоплаган. "Йигит сўзидан қайтмайди..." деб қоронғида ошни бошладик. Дўстим Маъмуржон қозон кавламоқда, мен эса навбати билан қоғоз ёқиб қозонни ёритиб турибман. "Қийинчилик билан бўлса ҳам пишириб олсак, маза қилиб еймиз", — дея қозонга қараб тамшаниб қўяман. Ва, ниҳоят қоронғида туртиниб-суртиниб бўлса ҳам ошни дамладик.

— Энди хонада озгина ўтирайлик, — дедим Маъмурга. Чунки тик тургандан оёқда оёқ қолмаганди. Хонага кира солиб хонадошларимга:

— Дастурхонни ёзинглар, ош ҳам тайёр бўлди, — дедим тантанали равишда.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг ошхонага кирсам... Ёпирай! Не кўз билан кўрайки, оёқ чиқаргандек қозон йўқ?! Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Ахир қорин "пиёзнинг пўчоғи" бўлиб кетганди.

Бу гапдан тезда кўпчилик хабар топди. Бириси бу воқеадан маза қилиб кулар, айримлари эса ачинарди. Бизнинг, юз-юздан қўшган тўрт кишининг аҳволини айтмаса ҳам бўлади. Зир ахтариб қозонни бешинчи қават ошхонасидан бўш ҳолда топдик. Наилож — югурганники эмас, буюрганники экан. Лекин қориннинг очлиги алам қиларкан. Шу аламни кессин деб, аччиқ-аччиқ пиёз тўғраб едик.

ҲУСНИДДИН,
талаба

# "Тўппа-тўғри, қуёнчам"

Шаҳар полиция идорасига Марказий бозор миналаштирилгани ҳақида хабар келди. Кейин маълум бўлдики, телефон қўнғироғи сохта экан. Ана ўшандан сўнг, сапёрлар ишга киришдилар.

* * *

Тўқимачилик фабрикасининг қизлар ётоқхонасида ёнғин чиқди.

Ёнаётган бинодан ким қандай ҳолда бўлса, шундай қочиб чиқа бошлади. Ёнғин пайтида фотограф Потапов қаҳрамонлик кўрсатди. У барча ҳодисаларни, ўз вақтини аямаган ҳолда суратга олишга муваффақ бўлди. Сўнгра барча суратларни АҚШга "Плейбой" журналига юборди.

* * *

Дарё ёқалаб кетаётган, ахлоқи бузуқ аёл ҳисобланмиш Анка чўкаётган бир тадбиркорни кўриб қолди. Ўзининг барча кийимларини ечиб ташлаб дарё бўйлаб югура бошлади. Уни кўрган тадбиркор қирғоққа қараб сузиб чиқди ҳамда бир ўлимдан қолди.

* * *

Хотин эридан сўради:

– Жоним, менимча, қуён ғирт аҳмоқ ҳайвон! Шундаймми?

– Тўппа-тўғри, қуёнчам.

*"Ғийбат"*

# "ЎТИРИШМА"ДАГИ ГУРУНГЛАР

...Кейинги вақтларда Хоразмда зиёфат, ўтиришма, гурунгларда асосий мавзу "Ҳуррият"да чиқаётган мақолалар бўлиб қолди-ёв...

Бир дўстимнинг туғилган куни эди. Меҳмонхонада озгина-ю созгина кишилар: ўқитувчилар, врач-агрономлардан ҳам бор.

Орамиздан кимдир "Ҳуррият"нинг қўлдан-қўлга ўтавериб титилиб кетган, "Шахс эркин — жамият эркин", "Журналист — элчи, унга ўлим йўқ!" мақолалари босилган сонини қўйнидан чиқариб, ўртага ташлади. Булар ҳақида турфа мулоҳазалар билдирилди.

"Ҳуррият" қандай қилиб бунчалик дадил, журъатли ёзаркин-а?

Камчилик-нуқсонларни катта-кичиклигига қарамасдан юз-кўзинг демай "урада-я?".

Қонунларни ҳам сув қилиб ичиб юборганлармиди, дейман! Суд, прокуратура,

мелисаларнинг ишидан ҳам асосли хатоларни топиб, халқнинг дилида турган гапларни ўртага ташлашди-я! Ҳатто бир сонида фарғоналик "коррупция" бошлиғининг "қовун туширгани"ни ўртага олиб чиқди.

"Халқ сўзи", "Туркистон", "Қишлоқ ҳаёти", "Маърифат", "Даракчи",

"Қалб кўзи", "Сирли олам"ларда ҳам оз-моз ўзгаришлар бор. Тунов куни алоқа бўлимига кирсам кўз олдимда тўрт киши "Ҳуррият"га йил охиригача обунага ёзилди.

Айтганча, унинг "тиражи" қанча экан-а? Бошқа газеталар-ку, обуначиси

оз бўлса, "тираж"ини ҳар сонда ёзиб кўрсатишдан уялар. Лекин "Ҳуррият" нега кўрсатмайди?

Бир пайтлари "Аргументы и факты"-ни ўқиб борардим. Нусхаси 5 миллиондан ошганда жаҳон бўйича рекорд қўйиб, Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га ёзилганди. "Ҳуррият"ники ҳам бир-икки милионга бориб қолгандир. Ахир давлатимиз аҳолиси 25 миллиондан ошди. Борингки, шуларнинг 5 миллионини ашаддий, газета ўқимаса туролмайдиганлардан деб ҳисобласак ҳар беш нафардан бири "Ҳуррият"га ёзилганда ҳам нусхаси бир миллион бўлади...

**Ўтиришмадаги гапларни оқизмай-томизмай оққа туширувчи:**
**Шавкат БОЛТА**

**Таҳририятдан:**

**Улфатчилик-ҳангама чоқларида нималар ҳақда гаплашилмайди дейсиз! Каттагина гурунг "баён"ини шу ўринда тўхтатсак-да, мухлисларимизга мамнунлигимизни изҳор қилсак. Хоразмлик биродарлар самимий ва холис "Ҳуррият"хонлик қилаётган ва бизга жонбозлик кўрсатаётган эканлар — бошимиз осмонга етди. Ҳар қалай, газетамиз тиражи бир миллиондан камроқ, Шавкатбек ёзганидек, тўрт кишилашиб обуна бўлаётганлар кўпайса, бир миллион чиқариш ҳам ҳеч гап эмас.**

# ҚОЙИЛ!

**"Антиқа реклама" рукни остида берилаётган ҳажвияларнинг жиддий акс-садоси**

Республика рассомчилик коллежининг рўпарасида қатор рекламалар жойлаштирилган. Улар орасида "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компаниясининг маҳсулотлари бўлмиш "Оқтош", "Сижжак" виноларининг ҳамда "Хон" сигаретасининг рекламаларини ҳам кўришингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунининг 23-моддасида шундай дейилади: "Тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим муассасаларидан 200 метр нарида, алкоголли ичимликлар рекламаси эса 500 метр нарида жойлаштирилиши керак".

Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда қонун бузилишига ҳам сабаб бўлаётган бу ҳолатга ким жавобгар?

Ойдиннисо ЙЎЛДОШЕВА

**Хазораспдаги "қозоқбозор"да металл пуллар ўтмаётган эмиш**

*Ташриф*

# ТОШБОЛТА ОШИҚ ХОНАДОНИДА

**Ардоқли санъаткорнинг ҳеч қачон жаҳли чиқмаган**

Сойиб Хўжаев номини эшитган театр шайдоси, киномухлис борки, лабига табассум ёйилади. Бунинг сабабини изоҳлашнинг ҳожати йўқ. "Қуралай кўз, қуралай, туйнугингдан мўралай" деб куйлаган Тошболта ошиқни кўрган, "Ёр-ёр" фильмида сувга чўкишига оз қолган отанинг ҳолатидан завқланган томошабин севимли актёрини унутиши мумкинми?

Сойиб Хўжаев ҳаёт бўлганида бу йил 90 га тўлган бўлар экан. Биз у кишининг хонадонига ташриф буюрдик. Хонадон соҳибаси, Сойибжон аканинг рафиқаси Файзихон ая, санъаткорнинг фарзандлари, драматург Ҳайдар Муҳаммад, Ҳамидулла Акбаров

ва яна бир неча мухлислар Сойиб Хўжаев тўғрисида бажонидил сўзлаб бердилар.

— Ташрифингиздан бошим кўкка етдию, аммо юрагим йиғлади, — деб сўз бошлади ая. — Сойибжон ака билан 42 йил умр кечирибмиз. Мен уларнинг рафиқалари бўлиш билан бирга мухлислари ҳам эдим. Турмушга чиққанимда аввалига уларнинг актёрлик санъатларига бир касбдек қараб бепарво юраверибман. У маҳаллар математика ўқитувчиси бўлиб ишлардим. Лекин вақт ўтиб, фарзандлар кўпайганда қарасам, уларнинг фарзанд тарбиясига вақтлари етмайди. Шунда мен болаларнинг тарбиясини ўз зиммамга олсам, сиз ижодингиз билан бамайлихотир шуғуллансангиз, — дея у кишига маслаҳат солдим. Сойибжон ака:

— Кейин уйда ўтириб қолганлигингиздан ўксимайсизми? Агар шундай қилсангиз, менга катта ёрдам берган бўлардингиз, фарзандлардан, уйимдан кўнглим хотиржам бўларди, — дедилар мендан мамнун бўлиб...

Санъат, адабиёт ниҳоятда машаққат талаб этадиган соҳалар. Кишида қобилият бўлмаса, халқнинг эътиборига тушиш осон эмас. Сойибжон акага Оллоҳ ўзгача қобилият, нурли чеҳра, ширин сўз ато этган экан. Сойибжон ака кирган хонадон файзга тўларди. Уйимиз Наби Ғаниев, Алп Жамол, Тамарахоним, Наби Раҳимов каби санъаткорлар билан гавжум бўлганда Сойибжон аканинг олдиларида уларга сўз топилмасди. Буни ўзлари ҳам тан олишарди. Ҳозир ташрифларингиздан кўнглим кўтарилиб, дуо қилиб ўтирибман...

— Ҳа, халқимиз Сойиб акани шундай яхши кўрардики, қаерда кўришса қўлларини олишга уринишарди, дуо қилишарди, — деб суҳбатга қўшилди драматург Ҳайдар ҳожи Муҳаммад. — Бир куни 16-трамвайда иккимиз кетаётган эдик. Бир киши келиб Сойиб ака билан қуюқ сўрашди. "Мен сизнинг мухлисингизман, ҳозир уйга борамиз, бир пиёла чой ичиб кетасиз", деб қўярда-қўймай уйига таклиф эта бошлади. Сойиб ака шошаётган эканлар, бора олмасликларини ётиғи билан тушунтирдилар. Ўзиям уларнинг ашаддий мухлисларидан экан, ҳеч қўйиб юборишни истамас эди. Манзилга етгач, Сойиб ака трамвайдан тушиб кетдилар, бироқ мухлислари энди менга ёпишиб олди: "Сиз уларнинг таниши экансиз, ўринларига сиз борасиз", — дерди. Зўрға қутулганман.

Ўшанда халқнинг Сойиб Хўжаевга бўлган муҳаббати ниҳоятда кучли эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлгандим.

Йигирма тўққиз ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган Сойибжон Хўжаев эл танигунига қадар жуда кўп машаққат чеккан — беш ёшда онадан, йигирма бир ёшда отадан айрилган, турли касалликларни енгиб, тиришқоқлик билан ўқигани тўғрисида Республика Киночилар уйида сақланадиган архив ҳужжатлари гувоҳлик беради.

— Отамизни жудаям яхши кўрардик, доимо кулиб турган юзлари ҳеч хотиримдан ўчмайди, — деб сўз бошлади Сойибжон аканинг қизлари Гулчеҳра опа. — Бирор нарсадан нолиган ёки жаҳл қилганларини эслолмайман. Кўпинча гастроллардан, съёмка, репетициялардан ортмасдилар. Лекин озгина вақт топсалар, албатта, ўқишимиз билан қизиқардилар, театрга олиб борардилар. Ўз ролларини шундай самимий ўйнардиларки, биз баъзида дадамизнинг актёр эканликларини ҳам унутиб қўйиб, "вой, ростдан уришяпти, адамларни ўғирлаб кетишяпти" деб чуғурлашиб кетардик. ...Отам меҳрибон бўлсалар-да, ўзларига нисбатан бошқаларнинг ачиниш ҳиссини уйғотмасдилар. Фақат саҳна, роль, санъат деб яшаганларини биламан.

Бир воқеа менга қаттиқ таъсир қилган. Театрда "Тошболта ошиқ" қўйиладиган куни бошқа концерт залида бошловчи бўлишларига тўғри келиб қолди. Иккаласи ҳам бир кунда ва бир вақтда. Ўшанда отам қайси бирига боришни билолмай жуда қаттиқ асабийлашганларидан инсульт бўлиб қолган, икки жойга ҳам бора олмагандилар. Дадамнинг: "Халқ энди нима дейди, концертга бормасам афишада менинг номим ёзилган, театрга бормасам, "Тошболта ошиқ"ни кўрамиз деб келган мухлислар мени саҳнада кўрмаса театримиздан совиб кетади", деб сиқилганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

...Сойиб Хўжаев тўғрисида ҳар қанча гапирсак оз, — дейди профессор Ҳамидулла Акбаров. — Чунки бундай фидойи санъаткорлар, афсуски, тез-тез юзага чиқавермайдилар. Бу ерда Сойиб акани ўзбек халқи нечоғлик севганлиги, ардоқлаганлиги ҳақида гапириляпти, лекин мен бу санъаткоримизни қардош мамлакатларда ҳам севишларини, билишларини таъкидламоқчиман. Бундан бир неча йиллар муқаддам Москвада бўлиб ўтаётган ўзбек киноси кунларида "Ёр-ёр" фильмининг биринчи кўриги бўлиши керак эди. Фильм бошланиши керагу, лекин буни ҳеч ким хоҳламайди, чунки Сойиб Хўжаев ҳали Москвага келмаган, самолёт кечикаётган эди. Вақт ўтяпти, фильмни кўриб турайлик, дейишса ҳам Сойиб аканинг Москвадаги мухлислари актёрнинг ўзи келганидан кейин деб туришарди. Ниҳоят, ўзбекистонлик санъаткорлар келишяпти, деб хабар беришди, ҳамма ҳаяжонда. Эшикдан кириб келаётган Сойиб Хўжаевни кўриб ҳамма ўрнидан туриб кетди. Гул бермоқчи бўлган қизлар эса ҳайрон — Сойиб аканинг қучоқлари қип-қизил лолалар билан тўла эди. Гулдурос қарсаклар остида саҳнага кўтарилган актёр Ўзбекистон лолаларини томошабинларга сочиб юборганларида зални ҳаяжонли қийқириқ босиб кетганди...

Хонадон соҳиблари билан хайрлашарканмиз, суратдан жилмайиб турган Тошболта ошиқ — Сойиб Хўжаев сиймоси кўз ўнгимиздан нари кетмас, гўё қалбимизга муҳрлангандек эди...

Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА

**Диққат! Диққат!**

Газетамизнинг қадрли муштарийлари! Қуйида берилаётган саволимизга биринчи бўлиб жавоб топсангиз, "Ёшлар" радиоканалининг махсус совғасига эга бўласиз.

**Асримизнинг сўнгги чорагида Европада рўй берган дарё фалокатларини санаб беринг.**

*Эслатма:* саволларга жавоб топгач, 4 кун ичида мазкур купонни "Ёшлар" радиоканалига топширишингиз шарт!

ШТЕФАН БИТМАН (Чех ҳажвчиси)

# ОЛИЖАНОБ КИШИ

1-ЙЎЛОВЧИ: — Яқинда бир қизиқ воқеа содир бўлди.

Ўша кунгача ўзимни олижанобликда, мулойимликда тенги йўқ "ягонаман" деб ҳисоблардим. Қай аҳволда нимаики воқеа содир бўлмасин, мен доим олижаноблигимча қолардим. Шу кунгача ҳеч кимнинг мушугини "пишт" деган эмасман.

Бир куни тиқилинч трамвайда кета туриб хаёл билан бекатимда тушишимни унутибман. Буни сезгач ғала-ғовур трамвайдан ўзимни очиқ эшикка урдим-да, юриб кетаётган трамвайдан сакрамоқчи бўлдим. Аммо оёғим эшик тутқичига илиниб, бир нотаниш кишига зарб билан урилдимки, менинг зарбимдан у йиқилиб тушди. Бу ҳам етмагандек, барзангидек танам билан унинг устига йиқилсам бўладими?

...Бир пайт кўзимни очсам тепамда одамлар тўпланган, улар бир-бирлари билан шивир-шивир қилишарди. Кўзимни очдим-да, қўлим билан аъзойи баданим бутлигини текшириб ўрнимдан инқиллай-инқиллай зўрға турдим. Бечора ҳалиги нотаниш киши эса қимирламай ётарди. "Ўлдириб қўйдимми?" деб қўрқиб кетдим. У бир пайт кўзини очди. Мен унинг эгниларини қоқиб амаллаб турғаздим. Қўрқиб кетганимдан бадандаги оғриғимни унутдим. У аста бошини пайпаслай бошлади. Нарироқда тупроққа беланган шляпасини олиб кийгиздим-да, мулойимлик билан кечирим сўрадим:

— Биродар, йўқ, жон дўстим... кечиринг мени! Мен, анқов, билмасдан, ўлай агар, билмасдан сизни туртиб юбордим. Ўзим жуда ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Мабодо, ҳеч қаерингиз лат емадими? Ҳаммасига шу паришонхотирлигим сабаб, сизни бехосдан туртганимдан кўра, ўзимни асфальтга поп этиб ташламайманми? Кечиринг мени, ўтинаман сиздан. Агар мени кечирмасангиз ўзимни бир нима қилиб қўяман.

2-ЙЎЛОВЧИ — Ҳечқиси йўқ, биродар. Сиз бунчалик куюнманг. Ҳовлиққанда шайтон васвасасига тушиб қолади киши. Менимча, кечирим сўрашга ҳеч арзимайди. Ҳаммасига тушунаман.

1-ЙЎЛОВЧИ — Нега энди ундай дейсиз? Ахир, аҳволингиз маймунлар йиғлайдиган ҳолатда. Оилангиз эса сизни танимай юз ўгириши мумкин.

Мен кўполлик қилиб, сизни йиқитиб юборган бўлсам-у, сиз бўлсангиз "арзимайди, ҳеч қиси йўқ" дейсиз. Бу ёғи қандай бўлди?

2-ЙЎЛОВЧИ — Ҳеч нима бўлмайди, безовталанадиган жойи йўқ, оғайни, соппа-соғман, фақат бир оз дам олай, мана қўрасиз, уйимга чопиб кетаман.

1-ЙЎЛОВЧИ — Нега, ахир? Пешонангиз шилинган бўлса, костюмингиз ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Улар сизнингча ҳеч нима эмасми? Шуларнинг ўзи мени судга бериб жавобгарликка тортишингиз учун етарли.

2-ЙЎЛОВЧИ — Мен яна қайтариб айтаман, ҳеч қиси йўқ! Хотиржам бўлинг, тинчгина уйингизга кетинг. Пешонам эса йиқилмасдан олдин шилинган эди, билсангиз. Костюмимга ҳам ачинишнинг кераги йўқ. Чунки ўзи эски эди. Ташлаб юборишга ҳеч кўзим қиймасди. Сиз мушкулимни осон қилдингиз, қайтага сизга ташаккур. Шунинг учун ҳаммасига ўзим айбдорман.

1-ЙЎЛОВЧИ — Сиз мени, нима, мазах қилмоқчимисиз? Мен эмас, ҳали сизми айбдор? Ундай бўлса ким трамвайдан сакраб сизни туртиб юборди? Сизми ёки менми? Нега индамайсиз? Сўррайиб турaверасизми? Хода ютганмисиз?

Ҳа, майли, яхши, ундай бўлса, рухсат этинг, мен гуноҳимни ювай: костюмингизни тузатишга ва химчисткада тозалатишга кетадиган харажатини қоплай. Ўтинаман, йўқ деманг.

2-ЙЎЛОВЧИ — Бемаънилик, бу ахир ғирт тентаклик бўлади. Айтдим-ку, ҳаммасига ўзим айбдорман. Сизнинг безовталанишингизга ҳеч ўрин йўқ...

1-ЙЎЛОВЧИ — Мен сизга ҳозир исбот қиламан айбдорлигимни, энди-чи? Энди ким айбдор? Айтсанг-чи, ким? Қонимни қайнатиб юбординг-ку!

2-ЙЎЛОВЧИ — Биродар! Ахир айтяпман-ку, барча уринишларингиз беҳуда деб, нега тушунмайсиз, ахир.

1-ЙЎЛОВЧИ — Ҳали шундайми?! (Мана бўлмаса сенга, дедим-да, иккинчи енгини ҳам узиб олдим). Хўш, энди нима дейсан, лапашанг?! Айбдор менми ёки сенми?

2-ЙЎЛОВЧИ — Биродар, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳаммасига ўзим сабабчи бўлдим-ку! Мен трамвай йўлига яқин юрмаганимда ҳеч ким мени туртиб йиқитмасди, тўғрими? Шундай бўлгач, сиз бекорга куйинаяпсиз.

1-ЙЎЛОВЧИ — Ундай бўлса, кимкимнинг устига тушди? Менми ёки сенми?

2-ЙЎЛОВЧИ — Айбдор фақат мен, нима деманг, барибир гуноҳкор мен.

1-ЙЎЛОВЧИ — Уф, жонимга тегдинг-ку. Бунга йўл қўймайман. Мана бўлмаса, мана (жағига кетма-кет мушт туширa кетдим). Энди нима дейсан, ким айбдор?!

2-ЙЎЛОВЧИ — Мен, (деди пичирлаб нотаниш киши) — агар мен дунёга келмаганимда эди...

1-ЙЎЛОВЧИ — Унинг бу ҳолатдаги гапидан кўнглим бузилиб йиғлаб юбордим. Лекин унинг устунлигини тан олишга тўғри келди. Чунки у олижаноб киши эди.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД
таржимаси

# ЭНГ, ЭНГ... ЧАЙНВОРДИ

**Чайнворд мазмуни шундан иборатки, дунёда ёки ўсимликлар оламида энг катта... энг кичик... энг баланд... ва ҳоказо.**



1. Энг аввал. 2. Энг улуғ, мўътабар зот. 3. Тоғларнинг энг юқорисида ўсувчи бута ўсимлик. 4. Дунёда энг серсув дарё. 5. Ер юзидаги энг иссиқ материк. 6. Энг катта қон томир. 7. Салт миниладиган отларнинг энг яхши наслларидан бири. 8. Ўзбекистонда энг йирик лочин. 9. Инсонга энг яқин дўст бўлган ҳайвон. 10. Осиёда энг баланд телеминора жойлашган ва қадимда энг кўп ном билан аталган шаҳар. 11. Дунёда энг катта қушлардан бири. 12. Дашт, чўлда иссиқ жазирамага, қурғоқчиликка энг чидамли ўсимлик. 13. Энг тез учувчи қуш. 14. Йилнинг энг иссиқ, энг совуқ куни. 15. Энг жанубдаги материк, музликлар, бўронлар ўлкаси. 16. Дунёда энг катта ярим орол. 17. 10 000 дан ортиқ китоб қаҳрамони, китобларнинг энг кўпида иштирок этган тарихий шахс. 18. Дунёда энг узун дарё. 19. Россиянинг Европа қисмидаги энг катта оқар кўл. 20. Ер юзидаги энг узун тоғ системаси (тизмаси). 21. Дунёда энг қадимий пойтахт шаҳарлардан бири. 22. Халқ ижодининг энг қадимги кенг тарқалган жанри. 23. Ўзбекларнинг энг қадимги мусиқа асбоби. 24. Самодаги энг катта ёритгич. 25. Энг яхши изолятор. 26. Ўсимлик озиғининг энг муҳим элементларидан бири. 27. Энг йироқ умр кўрувчи жонивор. 28. Энг катта, энг оғир илон. 29. Жанубий ярим шардаги аҳолиси энг кам, энг кичик материк (қитъа). 30. Иссиққа энг чидамли ва илдизи энг узун чўл ўсимлиги. 31. Ўрта Осиёдаги энг катта чўл. 32. Барча кальцийлар ичида энг қаттиқ, мустаҳкам ва пишиғи. 33. Дунёда энг йирик ахборот агентлиги. 34. "Аллоҳнинг наздида энг яхши гап — ... ? гапдир" (36-ҳадис). 35. Дунёда энг катта шаҳарлардан бири. 36. Ер шаридаги энг катта қитъа. 37. Инсон умрининг энг гуллаган даври. 38. Австралияни кашф қилган энг йирик инглиз денгиз сайёҳи ва тадқиқотчиси. 39. Жониворлар ичида энг узоққа сакрайдиган тури. 40. Австралиянинг асосий ҳайвони. 41. Энг муҳим металл. 42. Витаминларга энг бой ўсимликлардан бири. 43. Ўзбекистонда энг майда лочин тури. 44. Ер юзидаги жами қушларнинг энг кичиги. 45. Ўзбек аёлларидан энг биринчи етишиб чиққан жисмоний тарбия ўқитувчиси. 46. Арманистондаги энг йирик дарё. 47. Энг оғир суюқлик. 48. Дунёда энг тез ўсадиган ўсимлик (бир кеча-кундузда 50-60 см гача ўсади). 49. Ўзбек миллий спортимизнинг энг оммавий ва қадимий тури. 50. Республикамизда энг қимматли ҳисобланган балиқ. 51. Энг кўп экиладиган, энг иссиқсевар ўсимлик. 52. XX аср юлдузларидан ҳисобланган, "Пахтакор"нинг энг кучли футболчиси. 53. Дунёда энг енгил суюқлик. 54. Инжу, гавҳарнинг энг йирик тури. 55. Доривор ўсимликлар орасида энг йириги. 56. Узумнинг энг эрта пишадиган хили. 57. Баҳорнинг энг биринчи шифобахш кўкати. 58. Самодаги энг ёруғ юлдузлардан бири. 59. Дунёда энг чуқур кўл. 60. Итларнинг энг митти зоти. 61. Энг митти давлатлардан бирининг номи. 62. Энг машҳур ибодатхоналар жойлашган Ҳиндистондаги энг катта ғор. 63. Инсоннинг тинглаган энг биринчи қўшиғи. 64. "...?" — энг нодир сўз! (Мақол)

(Чайнвордни тўғри ечган бўлсангиз, ҳосил бўлган уч доирачадаги ҳарфни қўшиб ўқинг).

Анвар МИРЗАЗОДА

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

**"ИРФОН"**

**ўқув-ишлаб чиқариш шўъбаси арабча, форсча, инглизча ва бошқа тилларда амалий сўзлашув курсларига қабул эълон қилади.**

**Шунингдек, компьютер ва бошқа касб-ҳунар курслари ҳам мавжуд.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-уй, 57-хона. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети биноси.**

ЭЪЛОН

**Утеренные копию инвентаризационного дела и ключи от жилого помещения по адресу г.Ташкент ул.Самарканд Дарбаза дом 4 "а" кв. 44 Шайхантахурского района считать НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**